

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳимояга рухсат  
Кафедра мудир

---

2015 й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

“Почта алоқа соҳасида интерактив хизматларнинг замонавий турларини  
ишлаб чиқиш” мавзусида

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Битирувчи \_\_\_\_\_ Бухаров Ж.А.

имзо

Раҳбар \_\_\_\_\_ Зайнитдинов.А.А

имзо

Маслаҳатчи \_\_\_\_\_ Султонов У. М.

имзо

ҲФХ бўйича

маслаҳатчи \_\_\_\_\_ Абдуллаева С.М.

имзо

Тошкент–2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКТСИМ** факультети **Почта алоқаси технологияси** кафедраси  
йўналиши **5620300 “Почта алоқаси технологияси”**

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири \_\_\_\_\_

2015 й « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**Талаба Бухаров Жаҳонгир Авлоқулович**

**“Почта алоқа соҳасида интерактив хизматларнинг замонавий турларини  
ишлаб чиқиш “Почта алоқаси технологияси” йўналиши мавзусидаги  
малакавий битирув ишига**

**Т О П Ш И Р И Қ**

1. Мавзу университетнинг 2015 йил 12-январдаги 24-19 сонли буйруқ билан  
тасдиқланган

2. Ишни ҳимояга топшириш муддати 01.06.2015

3. Ишга оид дастлабки маълумотлар

Ҳисоблаш–тушунтириш ёзмалар мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)  
Кириш, Ўзбекистон Республикасида почта алоқасини ташкил этишнинг  
назарий асослари, Ўзбекистон Республикаси Почта алоқа соҳасида  
интерактив хизматларнинг замонавий турларини бугунги кун ҳолати  
таҳлили, почта алоқа соҳасида интерактив хизматларнинг замонавий  
турларини ишлаб чиқариш актни қўлланилиши, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги,  
Хулоса

4. График материаллар рўйхати Презентация ва слайдлар

5. Топшириқ берилган сана 15.02.2015 йил

Раҳбар \_\_\_\_\_ **Зайнитдинов.А.А** \_\_\_\_\_ имзо

Топшириқ олдим \_\_\_\_\_ имзо

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ Олинди
1-БОБ	Султонов У. М.	15.02.2015	20.02.2015
2-БОБ	Султонов У. М.	20.03.2015	25.03.2015
3-БОБ	Султонов У. М.	25.04.2015	30.04.2015
4-БОБ	Абдуллаева С.М.	24.05.2015	30.05.2015

8. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш бўлимлари номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи)
1.	<u>Ўзбекистон Республикасида почта алоқасини ташкил этишнинг назарий асослари</u>	20.02.2015	
2.	<u>Ўзбекистон Республикаси Почта алоқа соҳасида интерактив хизматларнинг замонавийлаштириш бугунги кун ҳолати таҳлили (“Ҳалқаро почтамт” мисолида)</u>	25.03.2015	
3.	<u>Ҳалқаро почтамт” филиалида почта алоқа соҳасида интерактив хизматларнинг замонавий турларини ишлаб чиқариш</u>	30.04.2015	
4.	<u>Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</u>	30.05.2015	

Битирувчи Бухаров Ж. А

2015 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ имзо

Раҳбар Зайнитдинов.А.А

2015 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ имзо

### Аннотация

Ушбу битирув малакавий ишда Ўзбекистон Республикасида почта алоқасини интерактив хизматларнинг замонавий турларини ишлаб чиқариш ҳамда почта алоқасида интерактив хизматларни хориж тажрибаси кўриб чиқилган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Ўзбекистон почта” филиали иқтисодий ҳолати таҳлили ва тегишли таклифлар келтирилган.

### Аннотация

В данной выпускной квалификационной работе изучены теоритические основы организации почтовой связи в Республике Узбекистан, а также рассмотрены опыт зарубежных стран по переработке почтовых отправлений. На основе анализа финансово-экономического состояния филиала «Ўзбекистон почта» АО «Узбекистан почтаси» даны необходимые рекомендации.

### The summary

In this final qualification work theoretical bases of the organization of a mail service in the Republic of Uzbekistan are studied, and also considered experiment of foreign countries on processing of mailings. On the basis of the analysis of a financial and economic condition of «Ўзбекистон почта» branch of SC «Uzbekistan pochta» necessary recommendations are made.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>		6
<b>1.БОБ.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ...</b>		8
1.1.	Почта алоқаси ва уни ташкил этишнинг назарий асослари.....	8
1.2	Ўзбекистон Республикаси почта алоқасида тақдим этиладиган почта алоқаси хизмат турлари.....	10
<b>2.БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРНИ БУГУНГИ КУН ХОЛАТИ.....</b>		17
2.1.	“Ўзбекистон почтаси” АЖ “Ҳалқаро почтамт” филиали иқтисодий ҳолати ва ислоҳатларни асосий йўналишлари таҳлили.....	17
2.2.	“Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг иқтисодий таҳлили.....	32
<b>3.БОБ. ҲАЛҚАРО ПОЧТАМТ ФИЛИАЛИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ.....</b>		37
3.1.	Почта алоқасида ахборот тизимида интратив хизматини автоматлаштириш.....	37
3.2.	“Ўзбекистан почтаси” АЖ Ҳалқаро почтамт филиалида янги интерактив хизмат турларини жорий этишни .....	45
<b>4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.....</b>		61
4.1.	Ишлаб чиқариш муҳитида микроиқлимни инсон организмига таъсири.....	61
4.2.	Фавкулотта вазиятлар. Корхоналарни фавкулотта вазиятлардан химоялаш ва уларни бартараф этиш.....	64
4.3.	Экологик функциясини амалга ошириш шакллари.....	68
<b>ХУЛОСА.....</b>		72
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>		74

## КИРИШ

Республикада амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислохатлар Ўзбекистоннинг стратегик мақсадга эришишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси Ўзбекистон давлатининг хўжалик ва ижтимоий инфраструктурасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Почта жўнатмаларини қабул қилиш ишлов бериш почта алоқаси шаҳобчаларини ягона тармоқга бирлаштирилган ва аҳоли, хўжалик ташкилотлари, давлат тизимлари, бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга одатий почта хизматлари билан бирга янги замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари замирида янги хизматларни тақдим этилиши йўлга қуйилган.

Почта соҳасини ривожлантириш ахборот-коммуникация технологиялари негизида почта алоқаси шаҳобчаларини янги хизмат турларини ривожлантиришнинг янги йўналишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 128-сон қарорида ўз ифодасини топган. Ўзбекистоннинг барча ҳудудида почта алоқаси универсал хизматларининг кафолатли ва сифатли кўрсатилиши дастурнинг асосий мақсади ҳисоблайди. Унда почта алоқаси кўрсатиладиган хизматларни такомиллаштириш, автоматлаштирилиш ва техник имкониятларни кенгайтириш кўзда тутилгандир. Халқ хўжалигини барча соҳаларида ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс автоматлаштириш меҳнат унумдорлини ошириш махсулот таннархини пасайтириш ва бунинг асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий таянчларидан биридир. Почта хизматларини техник реконструкциялаш буйича ишларнинг умумий режасида унинг моддий техника базасини мустаҳкамлашда, почтага ишлов бериш жараёнларида автоматлаштириш алоқа корхоналарининг кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Почта алоқаси хизматларини тақдим этилишида автоматлаштиришнинг замонавий салоҳияти корхона ичида почта жўнатмаларига ишлов бериш, ортиш тушириш ва транспортлаш операцияларида маханизацияловчи опериацияларнинг кенг қўлламда қўлланилиши меҳнат унумдорлигини

оширишга олиб келади. Почта алоқаси тармоғидаги ахборот оқимларининг хажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Ахборотни қайта ишлашнинг автоматлаштирилиши бу ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг асосий йўналишидир. Ўтиш иқтисодиёти бўлган мамлакатларда почта хизматларни ислоҳ қилиш муқаррар вазифа ҳисобланади, шунинг учун ислоҳатлар қанчалик эрта бошланса олиб бораётган рақобат шароитидаги йўқотишлар шунча кам бўлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон мусақилликка эришган дастлабки йилларда, бошқа МДХ мамлакатлари сингари, давлат ва жамият қурилишининг қандай тамойиллари ва усулларига асосланиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётини белгилашда қайси йўлдан бориш масаласи кўндаланг турар эди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига ҳос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз,” “Шок терапияси” деб аталувчи усулларни бизга четдан туриб жорий этишга иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик.(1) Соҳага қанча эрта ислоҳатлар киритилса почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш, республикамизнинг барча ҳудудларида тез ривожланади ва почта алоқаси универсал хизматларини кафолатли ва сифатли кўрсатилишини таъминланади. Почта алоқасини модернизациялаш соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштирига молиявий ресурсларни мақсадли жалб қилиш, почта фаолиятини фаоллаштириш ва янги хизматлар мажмуаларини шакллантириш имконини берди. Битирув малакавий ишига танланган мавзу бугунги кунда долзарб мавзулардан бўлиб, унда почта алоқасини ташкил этиш ва замонавийлаштириш усуллари кўриб чиқилган.

# **Ў.БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Почта алоқаси ва уни ташкил этишнинг назарий асослари**

Мамлакатимиз почта алоқасининг миллий тармоғи географик принципи бўйича «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти (АЖ) томонидан ташкил қилинган ва у «Ўзбекистон почтаси» АЖ филиалларини ўз ичига олган ҳамда уларни транспорт воситалари билан бирлаштирадиган ягона тизимни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори - «Ўзбекистон почтаси» АЖ қулай нархларда почта жўнатмаларининг барча турлари бўйича мамлакатлар билан алмашувни амалга оширади ва Умумжаҳон почта иттифоқи олдида республиканинг мажбуриятларини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг тармоғи почта жўнатмалари мунтазам ташилишини таъминлайдиган 177 та туман ва шаҳар узеллари, 2986 та алоқа бўлимлари, улардан 2225 таси қишлоқ алоқа бўлимларидан иборат 14 та ҳудудий филиаллар ва ихтисослаштирилган филиаллар – «Халқаро почта»т», шунингдек 30 та авиа, 1 та темир йўл, 513 та автомобиль маршрутларини ўз ичига олган тизимдан иборат. Етказиб бериш участкалари 6537 та, шу жумладан шаҳар ва шаҳар типигаги шаҳарча – 3369 та, қишлоқ жойларда – 3168 та ташкил қилинган. Хизмат кўрсатиладиган ҳудудда ёзма хат-хабарларни йиғиш учун 5264та, шу жумладан қишлоқ жойларда 3369 та почта қутилари ўрнатилган

Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторининг ишлаб чиқариш фаолиятини характерлайдиган асосий кўрсаткичларидан бири почта алмашуви - аниқ вақт давомида белгиланиши бўйича қабул қилинган, ишлов берилган ва узатилган почта жўнатмалари сони ҳисобланади. Почта алмашуви кирувчи, чиқувчи ва транзитга бўлинади.

Чиқувчи почта алмашинуви: Жўнатилиши белгиланган манзил бўйича бўйича кейинчалик жўнатиш учун жўнатувчилардан қабул қилинган почта, курьерлик жўнатмалари, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларидан иборат почта алмашинуви.

Келувчи почта алмашинуви: Адресатларга етказиб бериш (топшириш) учун почта алоқаси объектларига келиб тушувчи почта, курьерлик жўнатмалари, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларидан иборат почта алмашинуви.

Транзит почта алмашинуви: Почта алоқаси объектига бошқа почта алоқаси объектларидан ишлов бериш ва кейинчалик мўлжалланган жойга жўнатиш учун келиб тушган почта, курьерлик жўнатмалари, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларидан иборат почта алмашинуви.

Почта алмашувининг ҳар бир тури почта оқими - Маълум йўналишга жўнатилувчи почта, курьерлик жўнатмалари ва почта буюмларининг миқдори. Почта оқими чиқувчи, кирувчи ва транзит почта жўнатмаларига бўлинади. Почта оқимлари почта алоқаси тизимининг радиал-узелли тузилмасига мувофиқ магистрал, вилоят ичидаги, туман ичидаги ва шаҳарга бўлинади. Почта оқимларининг тузилмаси, хусусияти ва миқдорий тавсифи шаҳар, туман, вилоятда ва бутун мамлакатда почта алоқаси тизимининг рационал тузилиши учун биринчи даражали қийматга эга.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан яна бири почта алоқа хизматларининг сифати ҳисобланади. сифатнинг мақсади:

Миллий операторнинг почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан почта алоқаси хизматларининг ўрнатилган сифат нормативларига эришиш бўйича мажбурияти.

Хизмат нормативи: Фойдаланиладиган почта тармоқларининг ҳақиқий имкониятларига асосланган почта жўнатмалари берилган вақтдан уларни етказиб беришгача бўлган муддат. Назорат муддатлари- почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш

жойидаги почта алоқаси объектидан уларни топшириш ва етказиб бериш жойидаги почта алоқаси объектигача жўнатиш учун белгиланган энг кўп вақт оралиғи.

Хизмат кўрсатиш сифати почта қоидасининг талаблари бузилиши ва алоқа корхоналарининг иши юзасидан мижозлар асосланган даъволарининг сонини характерлайди.

## **1.2 Ўзбекистон Республикаси почта алоқасида тақдим этиладиган хизмат турлари**

Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторининг асосий вазифаси бўлиб турли почта жўнатмаларини жўнатувчилардан қабул қилиш, ишлов бериш, вазифаси бўйича жўнатиш ва етказиб бериш, шунингдек асосий, қўшимча ва шартномавий хизматларни аҳолига, корхоналарга ва муассасаларга кўрсатиш саналади.

Почта жўнатмалари деб почта қоидаларига мувофиқ ўрланган ва расмийлаштирилган предметлар, шунингдек вазифаси бўйича жўнатиш ва адресатга топшириш учун почта алоқаси корхонасига топширилган босма нашрларга айтилади.

Почта жўнатмалари жойланмаси, ўлчамлари, оғирлиги ва ўрлаш хусусиятига мувофиқ қуйидаги турларга бўлинади:

- хатлар – қабул қилиш, ишлов бериш ва топширишга мувофиқ оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинганларга бўлинади;
- почта варақчалари – оддий ва буюртмалига бўлинади;
- бандероллар – оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинганларга бўлинади;
- секограммалар – оддий ва буюртмали бўлади;
- посилкалар – оддий ва қиймати эълон қилинганларга бўлинади;
- пул ўтказмалари - почта ва телеграф бўлади.

**Хат** – конвертда жўнатиладиган ёзма хабардир. Хатда хужжатлар, бадий очик хат, фоторасмлар, чизмалар ва бошқалар жўнатилиши мумкин.

**Почта варақчаси** - Ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, очик ҳолда жўнатиладиган махсус бланкдаги почта, курьерлик жўнатмасининг тури. **Бандерол** – Ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, босма нашрлар, иш қоғозлари ва бошқа буюмлар солинган почта, курьерлик жўнатмасининг тури.

**Секограмма** –кўзи ожизлар учун муассасалар томонидан почта алоқаси тармоғи орқали жўнатиладиган, кўзи ожизлар учун очик ҳолда бери-ладиган ёзма хат-хабарлар, босма нашрлар, кўзи ожизлар учун ёзув тизимининг белгиларига эга тамға, шунингдек кўзи ожизлар учун мўлжалланган овозли ёзувлар ва махсус қоғоз.

**Посилка** – Ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, жўнатишга рухсат этилган саноат товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маданий-маиший ва бошқа товарлар солинган почта, курьерлик жўнатмаси.

Пул маблағларининг почта ўтказмаси: почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда, пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизмати.

Қиймати эълон қилинган хатлар, майда пакетлар ва посилкаларни қабул қилиш рухсат этилган мамлакатларга уларни жўнатиш учун қабул қилинади. Ушбу мамлакатлар тўғрисидаги маълумотлар Умумжаҳон почта иттифоқининг Халқаро бюро томонидан хабардор қилинади.

Халқаро почта жўнатмалари (майда пакетлар, оддий ва/ёки қиймати эълон қилинган посилкалар) учун жўнатувчи божхона декларациясини тўлдиради, уларнинг сони ҳар бир давлат учун алоҳида белгиланади. Почта алоқасидаги ишлаб чиқариш жараёни почта жўнатмаларини қабул қилиш,

ишлов бериш ва адресатларга топширишда бажариладиган ишлаб чиқариш операцияларнинг йиғиндисини ўз ичига олади. Ушбу операциялар почта жўнатмалари учун хилма-хил ва турличадир, бироқ уларни бажариш учун почта жўнатмасининг олд томонида почта манзили мавжудлиги мажбурий шarti бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир жўнатма, туридан қатъи назар, баъзи мажбурий ишлаб чиқариш босқичлари орқали ўтади. Ишлаб чиқариш жарёнини еттига босқичга бўлиш мумкин

- ✓ почта жўнатмаларини қабул қилишдир. Қабул қилиш почта қутиси орқали ва почта алоқаси объектларида амалга оширилади. Почта жўнатмаларини жўнатувчилари ва уларни қабул қилувчи алоқа ходимлари почта жўнатмаларига манзил ёзиш ва уларни ўрловлаш қондасига қатъий риоя қилиши, шунингдек тақиқланган предметлар жўнатилишига йўл қўймасликлари керак.
- ✓ қабул қилинган почта жўнатмаларига ишлов беришни ўз ичига олади. Ишлов бериш бўйича операциялар почта жўнатмаларининг кўчиши керак бўлган йўналишини ва жўнатишга тайёрлашни аниқлаш учун мақсад қилиб қўйилган. Асосий операциялардан бири почта жўнатмаларини йўналишлар бўйича гуруҳлаш учун манзил асосида амалга ошириладиган саралаш ҳисобланади.
- ✓ белгиланиши бўйича жўнатишдир. Ушбу бос-қичнинг асосий элементлари почта ва илова қилинган ҳужжатлар расмийлаштирилиши ва ишлов берилишининг тўғрилигини текшириш, почтани кузатувчи ходимларга топширилиши, почта алмашув жойигача ёки почтани жўнатувчи ва почта алмашинувини амалга оширувчи алоқа корхонасигача ташиш ҳисобланади.
- ✓ почтани белгиланган жойга ташиш ва зарур бўлганда йўлда унга ишлов бериш жараёнидир.
- ✓ почта жўнатмаларини белгиланган жойларда олишни ўз ичига олади. Кирувчи почтани олишда асосий операциялар бўлиб кирувчи почта

жўнатмалари ва буюмларни илова қилинган ҳужжатлар билан солиштириш, шунингдек ўровларининг бутлигини текшириш ҳисобланади.

✓ почта жўнатмаларига белгиланган жойдаги алоқа корхоналарида ишлов беришдир. Корхонада кирувчи почтага ишлов бериш жараёни кузатувчи ходимлардан уларни қабул қилишдан бошланади, бунда уларни ҳужжатлар бўйича текширилади ва ўровнинг бутлиги аниқланади. Почта жўнатмаларини топшириш корхоналари бўйича саралаш амалга оширилади.

✓ жўнатмаларни адресатларга топширишдир. Почта жўнатмаларини адресатларнинг уйига ва муассасаларга етказиб берилади ёки адресатлар хат-хабарларни олиш учун келадиган алоқа корхоналарида берилади. Ўзбекистон почта алоқасида янги хизмат турлари киритилган улар қуйдагиларни ташкил этади

- **Гибрид почта**

- Интернет орқали жўнатмаларнинг ҳаракатини назорат қилиш
- Электрон обуна
- Электрон почта маркаси
- Маълумот бериш тизимлари
- Овозли маълумот бериш
- Корпоратив маълумот бериш
- Идора ишидаги қўшимча алоқа

- **Интерактив хизмат турлари**

- Аҳоли учун сўзлашув пунктлари
- Факсималь алоқа

- **Молиявий хизматлар**

- Пенсиялар ва бошқа давлат тўловларини етказиб бериш бериш тизими

Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси почта алоқаси объектлари (алмашиш пунктлари, почта алоқаси узеллари алоқа бўлимлари) почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва етказишга мўлжалланган почта маршрутларининг кенг тармоғини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси муассасаларида 6537 етказиш участкалари, улардан 405 таси қишлоқ жойларида ташкил этилган ва 30 та авиа, 1 та темир йўл маршрутлари ишлаб турибди. Мустақиллик йилларида республикада 700 дан ортиқ турдаги почта маркаси муомалага киритилди. Почта алоқаси соҳаси миллий иқтисодиётдаги соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг асосий вазифаси аҳоли ва иқтисодиётнинг почта алоқа хизматлари ва воситаларига бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, миллий иқтисодиётдаги почта алоқаси бу - шахс ва жамиятнинг турли кўринишдаги ахборотларни алмашишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожланиши мамлакатнинг миллий даромадини оширишга ва бутун халқ хўжалигини самарали ишлашига туртки бўлади. Почта тармоғи ҳам алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ажралмас қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, почта алоқаси соҳаси аҳоли ва ишлаб чиқариш соҳасидаги барча ахборотларни узатишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ почта алоқа бўлимлари тақсимоти  
тўғрисида маълумот**

№	Филиаллар номи	Почта алоқа бўлимлари сони			
		Жами		Шундан, қишлоқ Жойларда	
		2014 й	2015 й	сони	%
1	Қорақалпоқ филиали	214	214	174	81%
2	Андижон филиали	244	245	205	84%
3	Бухоро филиали	160	160	129	81%
4	Жиззах филиали	153	158	138	90%
5	Қашқадарё филиали	285	285	245	86%
6	Навоий филиали	109	109	91	82%
7	Наманган филиали	203	203	159	78%
8	Самарканд филиали	356	356	293	82%
9	Сирдарё филиали	106	106	85	80%
10	Сурхондарё филиали	226	226	180	80%
11	Тошкент филиали	327	327	226	69%
12	Тошкент почтамати	161	161	-	0%

13	Хоразм филиали	145	145	134	92%
14	Фаргона филиали	290	290	239	82%
	Жами	2986	2986	2225	77%

“Ўзбекистон почтаси” АЖ почта алоқа бўлимлари тақсимот тўғрисида қиёсий таҳлил маълумотларига кўра мавжуд почта алоқа бўлимларини 77 % қишлоқ жойларида жойлашган. Почта алоқа бўлимларини энг кўп жойланган филиаллар Самарканд филиали (12%), Тошкент филиали (11%), Қашқадарё филиали (10%), Фаргона филиали (10%) ҳисобланади. Қишлоқ почта алоқаси бўлимлари бўйича энг кўп бўлимлар Хоразм филиали (92%), Жиззах филиали (90%), Қашқадарё филиали (86%) жойлашган.

Инсоният ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда, умумжаҳон ахборотлашган жамияти шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари негизида ахборотни узатиш ҳамда истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келаётганлиги ташкил этади. Почта алоқасига ислоҳатларни киритиш ва уни ахборот коммуникация технологияларига асосланган хизмат тураларини тадбиқ этилса, бугунги кунда почта алоқасини замонавийлаштириш ва алоқа шахобчаларида электрон хизмат турларини ва аҳолини почта алоқасига жалб этиш мезонларига эришлади.

## **2.БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ИНТРАКТИВ ХИЗМАТЛАРНИ БУГУНГИ КУН ХОЛАТИ**

### **2.1. “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Халқаро почтампт” филиали иқтисодий ҳолати ва ислохатларни асосий йўналишлари таҳлили**

Почта алоқаси тармоғини модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари базасида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг мақсади аънавий почта алоқаси хизматларини кўрсатишда “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Халқаро почтампт” фаолиятининг самарадорлигини ошириш шунингдек компаниянинг даромадлилик даражасини ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизматларининг янги турларини ривожлантириш ҳисобланади.

Почта алоқаси хизматларининг ишончлилиги ва сифатини таъминлаш ёзма хат хабарлар, даврий нашрлар ва пул ўтказмаларини етказиб бериш муддатларини жаҳон стандартлари даражасига етказиш аҳоли давлат муассасалари ва тижорат тизимларида почта алоқаси хизматларининг улушини оширишдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини ошириш асосий жараёнларини автоматлаштириш ва реал вақтда ресурсларини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш тизимини яратиш ҳисобига қўл меҳнати хажмини қисқартириш ва компаниянинг ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш имкониятини беради.

Ахборот –коммуникация технологиялари асосида аънавий почта алоқаси хизматлари почта жўнатмаларини юбориш пенсияларни тўлаш коммунал хизматлари почта жўнатмалари юбориш пенсияларни қабул қилиш почта пул ўтказмалари даврий нашрларни етказиш ни кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш

“Ўзбекистон почтаси” АЖ почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатиладиган асосий аънавий хизматлар қуйдагилар;

- почта жўнатмаларини юбориш
- даврий нашрларни етказиш
- пенсияларни тўлаш
- почта пул ўтказмалари
- коммунал хизматлар учун тўловни қабул қилиш ҳисобланади
- куръерлик хизматлари

“Ўзбекистон почтаси”АЖ асосий фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда почта алоқасининг асосий даромадли хизматларни кўрсатиш жараёнида

### **Халқаро электрон пул ўтказмалари буйича**

Хизматларни кўрсатиш мақсадларида “Ўзбекистон почтаси”АЖ 2008 йилда Бутун дунё почта иттифоқи электрон пул ўтказмалари халқаро тизимига қўшилди.Украина,Россия Федерацияси,Беларус ва Қозоғистон Республикаси билан халқаро тизим орқали пул ўтказмалари амалга ошириш буйича битимлар тузилди. Ҳозирги вақтда электрон пул ўтказмалари билан алмашинув Украина билан амалга оширилаяпти, 2009 йилнинг феврал ойидан бошлаб Россия билан ҳамкорлик бошланди. Шунингдек Қозоғистон ва Беларусь билан халқаро электрон пул ўтказмалари билан алмашинув буйича тестлаш ўтказилди.

Шу йилдан бошлаб “Ўзбекистон почтаси ”АЖ электрон пул ўтказмаларини ички тизимига уланган 220 та амалдаги автоматлаштирилган иш жойларидан халқаро пул ўтказмаларини жўнатиш “Ўзбекистон почтаси”АЖ электрон пул ўтказмаларин ички тизими орқали Ўзбекистон Республикаси ва чет эл давлатлари ўртасида эса БПИ IFS “Light” электрон пул ўтказмаларининг халқаро тизими орқали амалга оширилади.Шу мақсадда “Fido Biznes” МЧЖ томондан электрон пул ўтказмаларини ички ва халқаро тизимларини интеграцияси учун қўшимча дастурий модули ишлаб чиқарилганва қўлланилмоқда. Электрон пул жўнатмалари тизимини янада такомиллаштириш, истеъмолчиларга яқинлаштириш мақсадида вилоятларда

босқичма-босқич почта алоқаси тармоқлари уланиб ҳисобот даврида 13,8 млрд. сўмлик, сони бўйича 75304 та электрон пул ўтказмалари амалга оширилди ва 813,5 млн.сўм даромад олинди. Электрон пул ўтказмалари тизимига боғланган почта алоқаси объектлари сони 216 тадан 403 тага етказилди.

Ўтказмаларнинг кейинги жўнатилиши электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилади. “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан пенсияларни тўлаш ва коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш жараёнларининг автоматлаштириш мақсадида “Fido Biznes” МЧЖ билан биргаликда қуйдагилар ишлаб чиқарилган бўлиб улар қуйда келтирилган:

- Пенсия ва нафақаларни тўлашнинг автоматлаштирилган ахборот тизими “дастурий комплекси”
- Коммунал хизматлар тўловини қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими дастурий комплекси.

Икки дастурий комплексни ишлаб чиқишнинг умумий қиймати 1482,0 млн сўмни ташкил этди.

Юқорида келтирилган тизимларни жорий қилиш марказлаштирилган маълумотлар базасини ортиши ҳисобига “Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг ташкилий иерархиясининг барча даражаларида пенсиялар ва нафақаларни тўлаш шунингдек коммунал хизматлар тўловини қабул қилиш тўғрисидаги ахборот билан тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида таъминлаш;

- вақтнинг жорий вақтига пенсиялар, нафақаларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўловини қабул қилиш жараёнларининг реал ҳолатини акс эттирилган ҳолда турли кесимларда аналитик ва статистик ҳисоботини тезкор олиш;
- пенсиялар нафақаларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўловини қабул қилиш жараёнларининг мониторингини амалга ошириш;
- коммунал хизматлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва ишончли тарзда амалга ошириш;

-пенсия ва нафақаларнинг тўлови буйича қабул қилинадиган қарорларни сифатини такомиллаштириш ҳамда тезкорлигини ошириш;

-пенсия ва нафақаларни тўлашда шунингдек коммунал хизматлар тўловини қабул қилишда эҳтимолий суистеъмоллар ва пул маблағларини ўзлаштирилиш ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни олиш;

-“Ўзбекситон почтаси” АЖ ходимлари ахборотга қўлда ишлов бериш учун сарфлайдиган вақтни бизнес-жараёнларини автоматлаштириш ҳисобига қисқартириш имконини берди.

«Пенсия» Ахборот технологиялари дастури билан мослаштириш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда. Пенсия ва нафақаларни тўлаш,шунингдек коммунал хизматлар учун тўловни қабул қилиш буйича автоматлаштирилган тизимлар жорий қилиш муносабати билан пул ўтказмаларини назорат қилиш маркази филиалида маълумотларни қайта ишлаш маркази техник жихозланган. 2008 йил “Ўзбекситон почтаи” АЖ томонидан;

-маълумотлар базаси ва иловалар базасининг серверини ташкил этиш учун “Hewlett Racord “ программаси серверлари;

-маълумотларни резерв сақлаш учун ташқи янги массив;

-UPS узуликсиз таъминот манбалари;

-Ахборот хавфсизлиги тизими ва Ikey асосий хизматлари учун қушимча лицензиялар сотиб олинган. Маълумотларни қайта ишлаш Марказини жихозлаш учун сотиб олинган ускунанинг умумий суммаси 11 290,0 млн сўмни ташкил этди. Кўрсатилган автоматлаштирилган тизимларни почта алоқаси объектларига ёйиш учун “Ўзбекистон почтаси” АЖ маълумотларни узатишнинг коорпоратив тармоғи (Интернет тармоғи) ни модернизация қилиш ва уни ривожлантириш зарур.Бугунги кунга келиб “Ўзбекистон почтаси” АЖ Ҳалқаро почтаamt филиалида маълумотларни узатишнинг корпоратив тармоғи қуйдагиларни таъминлайди:

2014 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Ҳалқаро почтаamt филиалида унинг таркибий бўлинмаларини 138 кбит/сек тезлик буйича Интернет

тармоғига марказлаштирилган ҳолда улаш, барча 14 ҳудудий филиаларни Интранет тармоғига улаш ва вилоят-Тошкент участкасида 138 кбит/сек тезлик билан маълумотларни узатиш каналларини ташкил қилган бўлса бу кўрсаткичлар 2015 йилга келиб бир неча баробарга ўсди.

Марказий аппаратини ва маълумотларни қайта ишлаш марказига улаш; жумладан, жамиятнинг корпоратив компьютер тармоғи (ККТ) орқали электрон маълумотлар алмашинуви амалга оширилмоқда ва электрон пул ўтказмалари (ЭПУ) тизими ҳамда «Пул тўловларини қабул қилиш автоматлаштирилган тизими» (ПТҚК) хизматлари кўрсатиб келинмоқда. ККТга Жамиятнинг барча туман почта алоқаси тармоқлари боғланган. Тармоқнинг Жамият Бошқарма аппарати ва «UzNet» оператори орасидаги маълумотлар узатиш тезлиги 2,0 Мега бит/секга етказилди. Филиал ва «UzNet» оператори орасидаги маълумотлар узатиш тезлигини 512 Кило бит/секга ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. ККТда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун пороль химояси ва ахборот хавфсизлиги сервери ишлатилади, унга Firewall инструменти ва тармоқ хужумларини аниқловчи автоматлаштирилган тизим ўрнатилган. Тармоқда ESET компаниясининг лицензияли вирусга қарши (антивирус) дастури NOD-32 ишлатилмоқда. ЭПУ ва ПТҚК, тизимларида электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитлари қўлланилиб келинмоқда. ЭРИ калитларидан амалдаги тизимлар (ЭПУ, ПТҚК, Е-ХАТ, Е-Нижат)да фойдаланувчи ходим (оператор ва назоратчи)лар сони 962 тага етди (ш.ж. 106таси «Е-Нижат»тизимиди).

Бугунги кунга келиб локал компьютер тармоқлари “Ўзбекистон почтаси” АЖ марказий аппаратида ва ҳудудий филиалларида мавжуд. Почта алоқасининг анъанавий хизматларини кўрсатиш буйича фаолият жараёнларини автоматлаштиришни тугатиш учун кейинчалик куйдагиларни амалга оширилиши кўзда тутилади:

-Штрих кодлашдан фойдаланилган ҳолда почта жўнатмаларини қабул қилиш жўнатиш ва етказиб бериш ҳисобга олиш ва назорат қилиш буйича автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва кенг жорий қилиш

-молявий ҳисобга олиш тизимини ишлаб чиқариш ва жорий қилиш.

Ушбу тизим почта алоқаси объектларида пул маблағларини келиб тушиш ҳисобини,уларни сарфлаш назоратини бажариш шунингдек иш кунининг охирига ва даврига балансни ўтказиш имконини беради. Бу тизимга маълумотлар “Ўзбекистон почтаси” АЖ автоматлаштирилган ахборот тизимидан келиб тушиши таъминланган назоратини таъминлаш,шунингдек молявий ресурсларни йўқотиш,камомат номақсадли фойдаланишини истисно этиш имкониятини беради.

Ахборот -коммуникация технологиялари базасига почта алоқаси тармоғини модернизация қилиш ,хизматларнинг янги турларини жорий қилиш ва ривожлантириш лойиҳасини уч босқичда амалга оширилади.

I-босқич ( 2009-2010 й.й) –технологик жарёнларни автоматлаштириш ва почта алоқасининг қуйидаги хизматларини кўрсатиш сифатини туман даражасига кўтариш.

-электрон пул ўтказмаси,шу жумладан халқаро пул ўтказмалари

-штрих кодлашдан фойдаланиб,почта жўнатмаларини юбориш

-пенсия ва нафақаларни тўлаш

-коммунал хизматлар тўловини қабул қилиш шунингдек ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиб.хизматларининг янги турларини ривожлантириш.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ электрон пул ўтказмалари тизимига 216 та почта алоқаси объектларини уланишини таъминлаш бу 14 та вилоят почтамтлари ва 25 та почта алоқаси бўлимларида электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш, тўловини қабул қилишни амалга ошириш имконини беради.

Туманлар ва вилоят марказларининг автоматлаштирилмаган гибрид электрон пул ўтказиш хизмат кўрсатишини ташкил этиш.Гибрид электрон пул ўтказиш хизмат кўрсатишини почта алоқаси воситалари ёрдамида пул ўтказмаларини юбориш участкаси фақат почта алқаси бўлимлари ва туман боғламалари (почтамтлар орасида сақланиб қолади,бошқа участкаларда пул ўтказмалари электрон кўринишда юборилади.

Кўрсатиладиган автоматлаштирилган ва автоматлаштирилмаган почта алоқаси объектларидан халқаро электрон пул ўтказиш хизмати кўрсатилишини таъминлайди;

Коммунал хизматлар учун тўловни қабул қилиш автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш,бу ушбу хизматни кўрсатиш жараёнларинини автоматлаштириш имконини беради.Тизимга 16 та почта алоқаси улангандир.Ахборотни тезкор йиғиш ва почта алоқаси объектлари томонидан пенсия ва нафақаларни тўлаш марказлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш учун пенсия ва нафақаларни тўлашни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш ушбу тизимга вилоят,туман марказларининг 216 та почта алоқаси объектларини ва автоматлаштирилган почта алоқаси бўлимлари пенсия ва тўловларни тўлаш бўйича ахборотни киритиш учун уланади. Штрих кодлашдан фойдаланиб,почта жўнатмаларининг юборишни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва жорий қилиш,бу республика ҳудудида барча почта жўнатмаларини ўтишини ҳисобга олиш ва назорат қилиши имконини тезлаштиради.

Худудий почта алоқаси боғламаларидаги Интернет-кафелардан фойдаланиш

- ✓ Гибрид электрон почта хизматлари: “Ўзбекистон почтаси”АЖ Ҳалқаро почтамо томонидан Интернет тармоғи орқали электрон почта хабарларини ёки почта алоқаси объектларида ( электрон телеграммаларни ) қабул қилиш ва белгиланган жойда уларни почта ёрдамида етказилиши;

-маълумотлар узатиш тармоғининг опреаторлик хизматлари-маълумотларни узатиш ва Интернет хизматларини кўрсатиш учун ажратилган ва коммутация қилинадиган алоқа линиялари бўйича фойдаланувчиларни “Ўзбекистон почтаси” АЖ Ҳалқаро почтамо корпоратив тармоғига улашдан иборатдир. Почта алоқаси объектлари қошида очилган 49та (ш.ж.

5 таси қишлоқ ҳудудида (жойлашган) "Интернет кафе"ларга ўрнатилган 236 та компьютер орқали аҳолига, компьютер ўйинлари, интернет, электрон почта ва бошқа замонавий хизмат турлари кўрсатиб келинмоқда.

Хар бир босқичда “Ахборот-коммуникация” технологиялари базасида почта алоқаси тармоғини модернизация қилиш хизматларнинг янги турларини жорий қилиш ва ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури келтирилган.

Лойиҳанинг 1-босқичи бўлиб, автоматлаштирилган ахборот тизимларини туман даражасига ярим функционал ёйиш ҳисобланади.

-электрон пул ўтказмалари, шу жумладан халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш;

-пенсия ва нафақаларни тўлаш;

-коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш;

-кўрсатилган почта алоқаси хизматларининг ишончлилиги ва сифатини ошириш:

-ишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, қўл меҳнати хажминини қисқартириш ва компания ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш;

-компания даромадлигини кўтариш имконини яратади.

-маълумотларни узатиш каналларини туман даражасига етказиш билан “Ўзбекистон почтаси” АЖ Ҳалқаро почтаamt корпоратив тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантириш;

-қўшимча автоматлаштирилган иш жойларини ҳосил қилиш ва уларни техник жиҳатдан жихозлаш;

-туман ва шаҳар почта алоқаси боғламаларида локал тармоқларни яратиш;

Ушбу вазифаларни ҳал этиш:

-худудий почта алоқаси боғламаларида, барча туман ва шаҳар почта алоқаси боғламаларида шунингдек бир қатор почта алоқаси бўлимларида автоматлаштирилган почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлаш:

-почта алоқаси хизматларининг янги тураларини кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантиришни ташкил этиш учун техник асосни яратиш;

-Ахборот коммуникация технологиялари базасида почта алоқасини тармоғини модернизация қилиш хизматларнинг янги турларини жорий

қилиш ва ривожлантириш лойиҳасининг кейинги босқичларини амалга ошириш учун шароитлар яратиш.

✓ **Автоматлаштирилган иш жойларини ташкил этиш**

Электрон пул пул ўтказмалари, шу жумладан халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш учун почтаamtлар ва вилоят почта алоқаси боғламаларида биттадан автоматлаштирилган иш жой ташкил этилади.

Пенсия ва нафақалар тўловинини ҳисобга олиш, шунингдек коммунал хизматлар учун тўловни қабул қилиш учун қўшимча равишда қуйдагилар ташкил қилинади.

Почтаamtда ва вилоят почта алоқаси боғламаларида иккитадан автоматлаштирилган иш жойи; туман (шаҳар) почта алоқаси боғламаларида биттадан автоматлаштирилган иш жойи 25 та почта алоқа бўлимларида қуйдаги тизимларда биттадан иш жойининг ташкил қилинган бўлиб унда электрон пул ўтказмаси пенсия ва нафақаларни тўлаш, коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилинади.

Хар бир автоматлаштирилган иш жойини қуйдагилар билан жиҳозлаш кўзда тутилган:

-шахсий компьютер

-лазер принтер

-фиксал хотирага эга касса аппарати

-пластик карточкалар билан ишловчи терминаллар.

Штрих кодлашдан фойдаланиб, почта жўнатмаларини назоратини ҳисобга олиш тизимини ишга тушириш учун “Халқаро почтаamt” филиали, худудий почта алоқаси ташкилотлари ва туман (шаҳар) почта алоқаси боғламаларидаги алмашиш пунктларида штрих код сканерлари ва принтерларига эга шахсий компьютерлар ўрнатилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичини амалга ошириш мақсадида почта алоқаси объектларининг техник воситалари билан жиҳозлаш зарурдир.

Автоматлаштирилган иш жойларини ташкил қилиш учун зарур бўлган ускуна руйхати ҳам қиймати ҳам кўриб чиқилган.

✓ **Автоматлаштиришни амалга оширишдан олинадиган иқтисодий самара.**

Электрон, шу жумладан халқаро пул ўтказмалари тизимини ярим функционал ёйиш:

-ҳар бир вилоят маркази ва вилоятнинг туман марказларида шунингдек 25 та почта алоқаси бўлимларида ички ва халқаро электрон пул ўтказиш хизмати кўрсатилишини таъминлаш;

-республиканинг барча аҳоли яшайдиган пунктларида гибрид электрон пул ўтказмаси хизматини кўрсатилишини таъминлаш;

-пул ўтказмаларини юбориш бўйича хизмат сифатини ошириш (юборилиш тезлигини анча ошириш)

-пул ўтказиш хизматларининг хажми ва компания даромадини ошириш имконини беради. Пенсиялар ва нафақаларни тўлашни ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш;

-почта алоқаси объектлари томонидан пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва тўлиқ хажмда берилишини назорат қилишни таъминлаш;

-пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича ахборотни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнларига кетадиган вақтни қисқартириш(жараённи автоматлаштириш) республика ҳудида почта жўнатмаларини юборилишининг сифат даражасини кўтариш имконини беради.

2014 йилда -“Ўзбекистон почтаси”АЖамиятининг Ҳалқаро почта филиалида почта жўнатмаларини юборилишидан олган даромадининг хажми 3 172 млн сўм( даромаднинг умумий хажмидан 115 %) ни ташкил этди.Молиявий ҳисобга олиш тизимини яратиш ва жорий этиш;

-пул маблағларини келиб тушиши,тарфланиши ва харажатининг назоратини таъминлаш:

Бухгалтерлик ва молиявий ҳисобга олиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда унумдорликни ошириш (зарур бўлганда бухгалтериядаги ходимлар сонини қисқартириш).

Молиявий маблағларнинг йўқотилиши, ўғирланиши ва номақсадли фойдаланиш имкониятини истисно этиш имконини беради.

Янги автоматлаштирилган тизимларнинг жорий этилиши - “Ўзбекистон почтаси” АЖ ходимлари сонининг оширилишини талаб этмайди, алоҳида ҳолларда эса, улар сонининг қисқартирилишини назарда тутиш мумкин.

Фақат маълумотларни узатиш каналарининг ижарага олиниши билан боғлиқ бўлган харажатлар кўпаяди, улар йилига ўртача 9,0 млн.сўмни ташкил этади. Бундай прогнозлар бўйича тизимларн жорий этиш ҳисобига- “Ўзбекистон почтаси” АЖ Ҳалқаро почтаamt филиали дарамадининг йилига ўртача 1050 млн.сўмни ташкил этади.

Умуман олганда лойиханинг 1-босқичини амалга оширишдан олинган кўйидаги иқтисодий самарани қайд этиш мумкин асосий почта алоқаси хизматларини кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш ва улар сифатини ошириш;

-ишлаб чиқариш технологик жараёнларини автоматлаштириш;

-компаниянинг даромадлилик даражасини кўтаришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасидаги электрон пул ўтказишлар тузилмаси ва уларнинг тузилиш таъмойиллари.

Электрон пул ўтказмалари тизимининг вазифаси пул ўтказмалари қабул қилиш вақтидан бошлаб уларни тўлашгача пул ўтказмаларини юбориш бўйича хизмат кўрсатиш технологик жараёнларини автоматлаштириш ҳисобланади.

Электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими пул ўтказмалари бўйича операцияларни амалга ошириш, бу операцияларн бўйича ахборотни сақлаш, узатиш ва тизим фойдаланувчиларининг сўровлари бўйича ахборотни бериш учун мўлжалланган дастурий ва техник воситалар ҳамда ахборот массивларининг комплексидан иборат.

Электрон пул ўтказмалариининг автоматлаштирилган ахборот тизимининг қурилиши асосига ягона бошқарув ва назорат қилиш

концепцияси киритилган, бу тизимга почта алоқаси ишида қудратли асбоб ва пул ўтказмаларини юбориш жараёнини ҳиобга олиш ҳамда назорат қилишнинг самарали воитасига айланишига имкон беради.

Электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган тизимини яратиш мақсади бўлиб;

-жисмоний ва юридик шахсларнинг исталган ҳудудий узокликдаги манзилларигача пул ўтказиш тизими хизматларини кўрсатишнинг тезлаштирилишини таъминлаш;

-муаян электрон пул ўтказмаси ҳолатининг тезкор назоратини таъминлаш;

-кундалиқ, хар ойлик, хар чоракдаги ва йиллик ҳисоботини автоматик тайёралшни амалга ошириш;

-қоғоз хужжат айланиши ва бу технология билан боғлиқ бўлган хатолар такрорланишининг камайиши;

-операцион харакатларининг камайиши;

-пул ўтказмаларига ишлов бериш жараёнида инсон омили мавжудлигининг камайиши;

-кабул қилинган ва тўланган пул ўтказмаларига марказлаштирилган ҳолда ишлов бериш учун улар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратиш хисобланади.

Электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими Туман, вилоят ва республикалар узатишининг корпоратив тармоғи базасида бутун республика ҳудудида ягона ахборот маконига бирлаштиради.

Электрон пул ўтказмалари автомалштирилган тизимнинг асоси бўлиб, дастурий комплекс (дастурий воситаларнинг жами кўрсатилади) хисобланади, у электрон пул ўтказмалари тизими технологик жараёнини бажарувчиларидан хар бири учун автоматлдаштирилган иш жойини таъминловчи ва унга керакли ахборотни тақдим қилувчи функционал иловалар комплексини амалга оширади, бунда ўтказилган операцияларнинг назорати ва қайд этилиши ҳамда электрон пул ўтказмалари жараёнига барча

жалб этилган почта хизмати ходимларига маълумотларни қайта ишлаш натижаларини узатиши таъминланади.

Почта алоқаси объектларида электрон пул ўтказиш тизимларининг иш жойлари маълумотлар узатишнинг корпоратив тармоғига уланган замонавий компьютерлар билан жихозланган.

Электрон пул ўтказмалоарининг тизимини тузишда қуйдаги талабларга риоя қилинади:

- замонавий ахборот технологияларига асосланиши;
- пул ўтказмалари буйича ягона ахборот маълумотлар базасини шунингдек ахборотлаштирилган марказлаштирилган холда қайта ишлашни таъминлаш;
- хизмат кўрсатишнинг барча даражаларида пул ўтказмалари буйича ахборот мониторингини яратиш.

Электрон пул ўтказиш тизимини дастурий техник ташкил этиш билан бир қаторда тизимдаги узатилган ахборотнинг муҳофаза қилишини таъминлаш зарур тизимдаги ахборотдан фойдаланиш имконияти (олиниши, бузилиши) Интернет тармоғи орқали умумий фойдаланиладиган, ижарага олинган маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланиш билан шартланган. Маълумки исталаган почта алоқаси бўлимида хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан ҳамда “Хакерлар” томонидан ахборотни кўриб чиқиш имконияти мавжуд. Шундай шароитларда ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилиш бир нечта даражаларни кўзда тутиш ва рухсатсиз фойдаланиш оптималлаштирилишини таъминловчи ташкилий дастурий –техник чора тадбирлар ва ечимларини қамраб олиш керак.

Электрон пул ўтказиш тизимини муҳофаза қилишнинг дастурий техник чоралари қуйдагиларга йўналтирилган махсус аппарат дастурий воситалар тизим фойдаланувчиларининг идентификацияси муаллифлаштирилишини таъминлаш.

Тизим фойдаланувчилари ва ягона маълумотлар ўртасида тармоқ буйича узатиладиган ахборотнинг бутунлиги ҳамда сақланмаганлигини таъминлаш;

-тизимнинг дастурий таъминоти ва уни муҳофоза қилиш воситаларини компьютер вируслари ичида вирус хужумларидан муҳофаза қилиш;

-тизимнинг фойдаланувчилари бўлган ташқи тармоқ корпоратив тармоқ ва ходимларнинг иш жойидан ягона маълумотлар базасида дастурий таъминотдан рухсатсиз фойдаланишни истисно этиш.

Электрон пул ўтказиш тизимининг маълумотлар асосида рухсатсиз фойдаланишнинг истисно этиш Firewall аппаратидан дастурий воситадан фойдаланилади. Шунингдек иловалар сервери почта хизматлари ходими ҳар гал маълумотлар базасидан фойдаланганда уни муаллифлаштириш (логин ва пароль)ни амалга оширилади. Аммо кўрсатилган чоралар унга етрали эмас. Ахборот тизимидаги ахборотни муҳофоза қилишнинг ягона услуги бўлиб криптография( ахборотни шифрлаш) ва электрон рақамли имзо ҳисобланади. ККТда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун пороль химояси ва ахборот хавфсизлиги сервери ишлатилади, унга Firewall инструмента ва тармоқ хужумларини аниқловчи автоматлаштирилган тизим ўрнатилган. Тармоқда ESET компаниясининг лицензияли вирусга қарши (антивирус) дастури NOD-32 ишлатилмоқда. ЭПЎ ва ПТҚҚ, тизимларида электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитлари қўлланилиб келинмоқда. ЭРИ калитларидан амалдаги тизимлар (ЭПЎ, ПТҚҚ, Е-ХАТ, Е-Нужат)да фойдаланувчи ходим (оператор ва назоратчи)лар сони 962тага етди (ш.ж. 106таси «Е-Нужат»тизимида).

Ахборотни муҳофаза қилишнинг ушбу методларидан фойдаланиш учун тегишли дастурий таъминотга эга хавфсизлик серверидан фойдаланилади,у куйдагиларни таъминлайди:

-маълумотлар базаси ва электрон пул ўтказиш тизимига уланган ҳар бир иш жойи ўртасида узатиладиган ахборотни шифрлаш,бунда криптографиянинг муайян стандартидан фойдаланилади;

-ходимлар электрон пул ўтказиш тизимидан ҳар бир фойдаланганларида ва улар томонидан электрон ўтказмаларни қабул қилиш ҳамда тўлаш операциялари бажарилганида ходимларни идентификация қилиш электрон пул ўтказиш тизимининг ходимларини идентификация қилиш уларнинг электрон рақамли имзоларини текшириш йўли билан бажарилади.

Ахборот алоқа каналлари буйлаб узатилганда ундан рухсатсиз фойдаланиш истисно этиш учун ахборотни шифлашдан ташқари, шунингдек канал даражасида маълумотлар узатш корпортив тармоғи ичида муҳофазаланган маълумотлар узатиш каналини ташкил этувчи VPN технологияси қўлланилади. Техник стратегия ва тармоқларга бўлган эҳтиёж, тармоқнинг энг самарали конфигурацияси молиявий масалалари; капитал харажатлар, капиталнинг ортишига бўлган эҳтиёжларини молиялаштиришнинг усуллари инвестицияларнинг ўзни-ўзи оқлаши, ташкилий ҳуқуқий чора-тадбирлар; корхонанинг иш структураси ва кадрларга бўлган эҳтиёж, ходимлар ва айрим бўлинмалар ишининг асосий процедуралари ва регламентлари, лицензиялаш ва сертификатлаш масалалари. Бизнес-режанинг бу тизимда “Ўзбекистон почтаси” ОЖ нинг янги моделини тижорат ва техник аспекти муҳокама қилинади.

Янги технологик платформанинг амалга оширилиши “Ўзбекистон почтаси” бизнесининг нафақат диверсификация қилиш, балки аънанавий хизматлар-хат-хабарлар, босма нашрларнинг етказилиши, пул ўтказмалари ва тўловларни амалга оширишни янгича кўрсатиш имконини беради. Агар почта хат –хабарларни қисқа муддатда етказиб беришга кафолат берса, кўп миқдорлар, эҳтимол давлат почта хизматида ахборот билан алмашишнинг ишончли канали сифатида қарашлари мумкин. Умумий кўринишда компаниянинг корпоратив маълумотлар узатиш тармоғидан шунингдек улар назарда тутилган кўрсатилиши жойидан фойдаланган ҳолда кўрсатилиши мумкин бўлган янги хизматлар рўйхати келтириган.

## 2.2. “Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг иқтисодий таҳлили

2015 йил якунларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, почта хизмати сифатини ошириш ва филиалларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича маълум ишлар амалга оширилиб, 82,8 млрд. сўмлик даромад олиниб (2014 йил 64,2 млрд.сўм), ўтган йилга нисбатан 129 фоизни ва 3686,4 млн.сўм соф фойда олиниб (2014 йил 2939,9 млн.сўм), ўтган йилга нисбатан 125% фоизни ташкил этди.

Почта жўнатмаларини айирбошлаш ҳажмий кўрсаткичларининг бажарилиши ўтган йилга нисбатан: юборилаётган ёзма хат-хабарлар 14,2 млн.дона - 102 %, посылкалар 89,8 минг дона- 104 % ва пул жўнатмалари 894,6 минг дона – 103 %га бажарилган.

### Ўзбекистон почтаси ” АЖнинг 2014-2015 йиллари учун чиқувчи почта алмашинувининг солиштирма таҳлили, минг дона

Хизматлар номи	2014йил факт	2015 йил прогнози	2015 йил факт	2014 йил%ўсиш	Прогнозга нисбатан%
Ёзма хат хабарлар	13 919,2	13 773,3	14 227,2	102	103
Пул ўтказмалари	866,2	860,3	894,6	103	104
Посилкалар	89,5	87,3	89,8	100	103
Пенсия	32 223,8	34 540,5	33 942,3	105	98
Даврий нашрлар	73 807,4	71 024,6	75 757,2	103	107

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг 2014- 2015 йиллар учун фойдадан қиёсий  
таҳлили, минг сўм**

№	Кўрсаткичлар номи	Хисобот 2014г.	прогноз 2015г.	Хисобот 2015г.	Ўсиш	
					2015й.	прог.
1	Ёзма хат хабарлар	2 232 793	2 762 098	3 172 051	142	115
2	Пул ўтказмалари	3 142 787	3 711 127	4 258 905	136	115
3	Посилкалар	881 542	1 109 113	1 357 741	154	122
4	Пенсия	33 135 929	44 202 889	42 799 651	129	97
5	Даврий нашрлар	4 413 173	4 697 624	5 473 456	124	117
6	Коммунал хизматлар	1 721 629	2 082 551	2 511 308	146	121
7	Курерлик хизматлари	18 714 779	21 656 707	23 280 077	124	107
	Жами	64 242 632	80 222 109	82 853 188	129	103

**Ўзбекистон почтаси”АЖ нинг 2014-2015 йилдаги молиявий  
қийсий тахлили, минг сўм**

№	Кўрсаткичлар номи	Факт 2014 йил	Прогноз 2015 йил	Факт 2015 йил	Ўсиш	
					201 4 г.	Прог. нисб
1	Махсулот сотувидан тушум (хизматлар)	68 943 790	86 390 609	89 055 126	129	103
2	Қўшимча қиймат солиғи.	4 701 158	6 168 499	6 201 938	132	101
3	Махсулот сотувидан соф тушум.	64 242 632	80 222 109	82 853 188	129	103
4	Махсулотнинг сотиш таннари. (товарлар, хизматлар)	41 731 076	53 262 134	53 967 553	129	101
5	Махсулот сотувидан ялпи фойда (товарлар, хизматлар)	22 511 556	26 959 976	28 885 635	128	107
6	Давр харажатлари	20 344 288	25 892 875	25 534 891	126	99
7	Маъмурий харажатлар	5 539 275	7 546 805	6 700 206	121	89
8	Бошқа операцион харажатлар	14 805 012	18 346 069	18 834 685	127	103
9	Асосий фаолият туридан фойда	1 223 599	1 342 966	1 491 117	122	111

10	Ишлаб чиқариш фаолиятдан асосий молиявий кўрсаткичлар	3 390 867	2 410 067	4 841 861	143	201
11	Молиявий фаолиятдан кирим	1 319 354	536 796	678 492	51	126
12	Молиявий фаолиятдан чиқим	361 893	258 820	269 339	74	104
13	Фойдадан ва бошқа йиғимлардан солиқ	352 971	139 522	343 674	97	246
14	Соф фойда (зарар) хисобот даврида	2 939 923	1 670 013	3 686 364	125	221

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ бўйича ўртача даромад таксаси таҳлили**  
**Асосий хизматлар бўйича, минг сўм**

Таҳлил этилаётган йиллар	Хат жунатмалари, мингсўм	Пул жунатмалари, минг сўм	Посилкалар, минг сўм
2009	120	2503	8975
2010	169,3	4 359,7	10 340,1
2011	242,6	5 669,9	15 233,9

“Ўзбекистон почтаси” АЖ бўйича асосий хизматлар бўйича ўртача даромад таксаси таҳлили натижаларига кўра барча асосий хизмат турларидан олинган ўртча даромад ортиб борган бу эса асосий хизмат турларини кўрсатиш жараёнини ижобий ташкил этилганлигини исботлайди. Хизматларни оптималлаштиришда қушимча хизмат турларини кўрсатиш жараёнини бўйича ҳам ўртача даромад таксасини таҳлилини амалга ошириш ёрдамида қушимча хизмат турларидан олинган даромадларни аниқлаш имконияти вужудга келади.

**Ўзбекистон почтаси” АЖ бўйича ўртача даромад таксаси таҳлили**  
**Қўшимча хизмат турлари, минг сўм**

Таҳлил этилаётган йиллар	Пенсия тўловлари, сўм	Телеграмма, сўм	Даврий нашрлар
2009	712	192.0	64
2010	1 033,8	212.5	76,2
2011	1 261,5	265.8	91,0

“Ўзбекистон почтаси” АЖ бўйича қўшимча хизмат турларидан ўртача даромад таксаси таҳлили ҳам ижобий томонга ўзгарган.

Почта хизматларини оптималлаштириш универсал хизматларни ахборот технолологияларига асосланган янги шакллари жорий этиш ҳамда АКТ ва молиявий хизматлар кўрсатиш орқали қўшимча хизмат турларини кенгайтириш соҳани нуфузи ва рақобатбардошлиги ошириш, соҳада замонавий хизматларни жорий этилиши, энг асосийси эса соҳанинг молиявий барқарорлигини таъминлашга замин яратади. Почта соҳани ривожлантиришдан асосий мақсад АКТ ютуқларини тўлиқ қўллаш орқали турли кўринишдаги ахборотларни узатиш бўйича аҳоли ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини тўла ва юқори сифатда қондириш ва соҳада янги ахборот технолологияларига асосланган почта хизматлари кўрсатишдан иборатдир.

Почта алоқаси соҳасига замонавий ахборот коммуникация технолологияларини жорий этиш асосида янги турдаги хизматларни жорий этишга имкониятини вужудга келади. Бу эса соҳа рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

### **3.БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПОЧТА АЛОҚА СОХАСИДА ИНТРАКТИВ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

#### **3.1. Почта алоқасида ахборот тизимида интратив хизматини автоматлаштириш**

**Интерактивлик тушунчаси.** Интерактивлик деганда биз, фақатгина, биз ўрганаётган фан кесимида техник воситалар, компьютер, уларнинг дастурлари ҳамда фойдаланувчилар орасидаги ўрнатилган мулоқатни ташкил этиш тушунилади. Демак, Компьютер дастурлари шундай яратилганки, Биз у ёрдамида компьютер билан мулоқат ўрнатамиз.

Умуман олганда интерактивлик бу мулоқат тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Яъни, мақсадга кўра тизим элементлари орасидаги ахборий маълумотлар алмашинуви. Ушбу тушунча ахборот назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

**Интерактив хизматлар тушунчаси.** Интерактивлик орқали фойдаланувчи моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, ахборий ва ишлаб чиқаришнинг турли манбаларидан кўриладиган манфаат мавжуд бўлса, унга интерактив хизмат қилинган деб тушунилади. Яъни, компьютер дастурлари орқали фойдаланувчига интерактив хизмат ташкил этилган деб тушунилади.

**Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари.** Ҳозирги вақтда, Ҳукуматимиз томонидан интерактив хизматларни шакллантириш, ташкил этиш ва уларни бошқаришга катта эътибор берилмоқда. Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш ҳисобланади.

## Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар.

Интерактив давлат хизмати – идоралар томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар.

Интерактив давлат хизмати қуйидаги шаклларда кўрсатилади:

- умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) - тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни реализация қилиш;
- бир томонлама ўзаро ҳамкорлик - электрон шаклдаги ҳужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;
- икки томонлама ахборот айирбошлаш - сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буюртманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш ва/ёки бериш);
- электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатилиши мумкин.

Бугунги кунда давлат органларининг веб-сайтлари орқали аҳолига интерактив давлат хизматлари асосида **384** турдаги интерактив хизматлар кўрсатилади.

Қуйидаги веб саҳифалардан Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлари, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарларни топиш мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали. <http://www.gov.uz>
- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали. <http://www.aci.uz>

Автоматлаштирилган иш жойларига ўтишда штрих-кодлардан фойдаланилди. Бунда хар-бир жўнатмага штрих-код ёпиштирилади. Штрих-кодлар халқаро стандарт бўйича 13 та рақамдан иборат бўлиши керак. 2004-2007 йилларда бу 13 рақамни ҳаммаси тартиб рақами ҳисобида ишлатиб келинди. Бу бажарилган ишлар ўз навбатида қуйидаги замонавий кўрсаткичларга эришишга олиб келди:

- автоматлаштирилган иш жойларида штрих-кодлар ёрдамида компьютерларда ҳужжатларни расмийлаштиришда юқори сифатга эришилди;

- кўп сонли рақамларни қўлда ёзишда хатоликларга йўл қўйишлар бартараф этилди;

- почта жўнатмаларини ўтиш муддатлари камайтирилади ва саралаш ишларини тезлаштирилди;

- почта жўнатмаларни саралашда адашиб бошқа манзилгага юборишга чек қўйилди;

- компьютер техникаларидан унумли фойдаланиш иқтисодий самарадорлик бериб, бир- нечта иш ўринлари қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «**Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**»ги 339- сонли Қарорининг 2 бандини ва Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) Бухарест конгрессининг «**2006 йилдан посилкалар учун янги ҳисоб-китоблар тизимини киритиш тўғрисида**»ги қарорларини бажариш борасида бевосита Жамият раҳбарлигида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

2006 йилнинг 1 январидан республикаимизга кириб келаётган халқаро посилкалар учун ҳисоб-китоблар 2005 йилдаги тарифимиздан 71,4 фоизи миқдорида, яъни 28,6 фоиз камайтирилган ҳолда амалга оширилиши белгиланди. Бу эса йилига тахминан **180 минг АҚШ доллари** миқдорида кам даромад олинади дегани.

Бутунжахон почта иттифоқининг халқаро бюроси янги халқаро ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга жавобгар бўлиш билан бир қаторда ҳар бир мамлакат ушбу камайтирилган 28,6 фоизни, 40 фоиз қилиб мукофот тариқасида қайтариб олиши мумкинлигини маълум қилди.

Бунинг учун **“Республикага кириб келаётган Бутунжахон почта иттифоқи стандартига мувофиқ штрихкодланган посылкаларни етказишда назорат тизимини жорий этиш”** талаб этилди. Ушбу тизимни жорий этиш бўйича 5 та хизмат кўрсатгичлардан иборат талаб қўйилган, булар:

**1-чи кўрсатгич-** Республикага кириб келган келган посылкалар бўйича интернет орқали маълумот алмашиш учун 15 фоиз мукофот;

**2-чи кўрсатгич-** посылкани олувчининг уйига олиб бориб топширганлик учун 10 фоиз мукофот;

**3-чи кўрсатгич-** йўқолган, қисман алмаштирилган посылкалар учун тўловларни амалга оширганлик учун 5 фоиз мукофот;

**4-чи кўрсатгич-** посылкаларни топширганлик тўғрисида тилхат (расписка) олганлиги учун 5 фоиз мукофот;

**5-чи кўрсатгич-** посылкаларни етказиб бериш стандартига мувофиқ барча маълумотларни тақдим этганлиги учун 5 фоиз мукофот.

Бутунжахон почта иттифоқининг мазкур талабларининг барчаси янги ахборот-телекоммуникация технологиялари ёрдамида почта алоқаси соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга қаратилган. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мижозларни кўпайишига олиб келади ва натижада даромад кўпаяди. Бундан ташқари почта жўнатмаларини ҳаракати тўғрисида интернетдан олиб, маълумот бериш бўйича (пулли) кўшимча иш жойларини очиб, кўшимча даромад олиш имконияти туғилади.

2006 йили филиалнинг Р1 – 2/3 цехларида **Бутунжахон Почта Иттифоқи (БПИ)**нинг **S 10** стандартига мувофиқ штрихкодланган посылкаларни етказишда назорат тизимини жорий этиш бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва

қўллаб қувватлаш” маркази томонидан яратилаётган дастур ишга туширилган.

Барча рўйхатдан ўтувчи почта жўнатмаларни БПИнинг S10 стандартига мувофиқ штрихкод этикетка ёрлиқлари билан расмийлаштириш тартиби.

Штрихкод этикетка ёрлиқларидаги белгилар қуйидагиларни билдиради:

1. **Биринчи 2та харф** почта жўнатмаси турини билдиради:  
Масалан, RA100110109UZ, CV110856962UZ, CP123456783UZ
2. Белгилардаги **3-ва 4- сонлар** почта индекс рақамларини билдиради.  
Масалан, 10- Ташкент ш., 11-Ташкент вилоятини, 12 – Сирдарё вилояти.
3. **Келгуси 6та сон (5, 6, 7, 8, 9, 10)** тартиб рақамини билдиради.
4. Ўн биринчи белги **-9-сон назорат разрядига** тегишли.
5. **2та охириги белги**Халқаро стандарт ИСО бўйича Ўзбекистонни коди-  
**UZ.**

“Ўзбекистон почтаси” АЖ “Халқаро почта” филиалининг Халқаро узоқ ва яқин хориждан Ўзбекистонга кириб келаётган посилкаларни юборувчидан то олувчига ўтиш йўлини назорат қилиш мақсадида «Ёш дастурчилар маркази» томонидан дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган посилкаларни штрихкодлаш дастури ўрнатилган. Мазкур дастур ёрдамида барча посилкаларнинг штрихкодлари (уларга бириктирилган тартиб рақами) сканер ёрдамида компьютерга киритилади, киргизилган маълумот халқаро интернет тармоғидаги Ўзбекистон почтасининг WEB сайтига жойлаштирилади.

Келгуси босқичда филиалнинг қолган цех ва участкаларида ҳам автоматлаштирилган иш жойларини ташкил қилиш учун 2008 йили ЧФ “CyberSoft” фирмаси билан шартнома тузилган. Шартномага асосан ЧФ “CyberSoft” фирмаси томонидан филиалининг халқаро цехига (Pi-2,3), авиапочтага ишлов бериш участкаси (АОП), бўш қоғозлар ҳисоби гуруҳига (Pi-5) автоматлаштирилган иш жойларини ташкил қилиш мақсадида, янги АСМППО дастури яратилиб, иш жараёнида тадбиқ этилди.

Почта алоқасини замон талабларига монанд ривожлантиришда ахборот технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этиши инобатга олиниб, Жамият томонидан Почта алоқасида ахборот технологияларни тадбиқ этиш мақсадида, Жамият билан “REBIC” МЧЖ фирмаси ўртасида 2009 йил 26 ноябрда С09-4 сонли шартнома тузилган бўлиб, шартномага асосан “REBIC” МЧЖ фирмаси томонидан техник топшириқ лойиҳаси асосида яратилган дастурни “Халқаро почта” филиалида тест синовидан ўтказилди.

Мазкур лойиҳага асосан “Халқаро почта” филиалда ўрнатилган АСМПО дастури, “REBIC” МЧЖ фирмаси томонидан яратилган “Автоматлаштирилган почта жўнатмалари мониторинги” дастурига алмаштирилиб, PREDES кўрнишдаги маълумотларни PNG дастури орқали УПИнинг веб сайтига узатиш ишлари йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда келиб, ҳудудий филиаллар марказларида “REBIC” МЧЖ фирмаси томонидан яратилган дастур ўрнатилиб, “Халқаро почта” филиали билан ҳудудий филиаллар ўртасида маълумотлар алмашувини ташкил қилинган. “Автоматлаштирилган почта жўнатмалари мониторинги” дастурини тўлиқ ишлашини таъминланмоқда.

Почта жўнатмаларига ишлов бериш технологик жараёнларини автоматлаштириш натижасида қуйидаги ютуқларга:

- Автоматлаштирилган иш жойларида штрих-кодлар ёрдамида компьютерларда ҳужжатларни расмийлаштиришда юқори сифатга эришилади;
- кўп сонли рақамларни қўлда ёзишда хатоликларга йўл қўйишлар бартараф этилади;
- почта жўнатмаларини ўтиш муддатлари камайтиради ва саралаш ишларини тезлаштиради;
- Рўйхатга олинувчи барча почта жўнатмаларни ҳаракатини назорат қилишга эришилди.

## **Штрих коддан фойдаланган ҳолда почта жўнатмаларини етказиб бериш назорати ва кузатув тизими**

Почта хизматида қўлланиладиган маълумотларни йиғишда кенг тарқалган технологиялардан бири – бу штрих кодлашдир. Штрих кодлаш – бу зудлик билан ахборотни йиғиш усули бўлиб, бунда ахборотни компютерга киритиш зарур ва сўнг технологик жараён ҳамда ўртага қўйилган вазифалар талабига кўра фойдаланиш.

Почта жўнатмаларини кузатишдан ташқари почта жўнатмаларини ўтиш назорати тизими қуйидагиларга йўл қўяди:

- барча рўйхатга олинadиган почта жўнатмаларини ягона ҳисобини таъминлаш;
- почта жўнатмаларини улар ўтадиган объектларда саралаш жараёнини автоматлаштириш;
- почта жўнатмаларини технологик саралаш жараёнида қоғозбозликни сезиларли даражада камайтириш.

Почта жўнатмаларидаги штрих код шунингдек саралаш машиналарининг автоматлашган линияларида самарали тарзда қўлланилмоқда. Штрих кодни ўқишда саралаш машиналари почта жўнатмаларини уларни кейинги транспортлаш жараёни учун жамловчилар бўйича керакли саралаш йўналишини автоматик тарзда аниқлайди.

Ички ва халқаро жўнатмаларни ўтишидаги кузатув тизимини қўллаш натижасида “БелПочта” ташкилоти умумий ҳисобда қабул қилиш – топширишда имзолар расмиятчилигидан ташқари, почтани қўшимча қоғоз хужжатларсиз жўнатишга ўтди.

Барча рўйхатга олинadиган жўнатмалар ягона маълумотлар базасига келиб тушади ва алмашув жойларида ахборотни санаш олиб борилади. Шунга кўра тизимда онлайн режимида у ёки бу жўнатмани жойлашган жойи кузатилади. Ушбу тизим почта жўнатмаларини ўтиш жараёнини бошқаришни оператив тарзда амалга оширишга ва етарли даражада соддалаштиришга

имкон берди. қўшимча хужжатларни ёзиб бериш он-лайн тизимида ҳам юз беради.

Тизим шунингдек етказиб бериш жараёнини рақамлаштирди, шу билан ҳам ташувчиларга тушаётган оғирликларни камайтириб берди. Барча хат ташувчилар чўнтак шахсий компютерига эга, унинг ёрдамида етказиб бериш тўғрисидаги билдиришномалар тўлдирилади ва тизимга етказиб бериш натижалари тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Мижозларни кониктириш учун тизим зудлик билан етказиб беришда кутиладиган вақт тўғрисида унга хабар қилади. Шунингдек мижозларнинг мобил телефонларига SMS хабар кўринишида етказиб бериш натижалари тўғрисида хабар беради. Бошқа бир томондан тизим реал вақтда автоматик тарзда почта хажмини ҳисоблайди, бу менежмент ва цатицик маълумотлар ҳисоботи учун муҳимдир.

Кўпгина почта хизматлари почта жўнатмаларини ўтиш назорати тизими асосида фойдаланувчиларга ўзининг почта жўнатмаларини кузатиш бўйича янги хизматни тақдим этишни бошладилар. Почта жўнатмасининг рўйхатга олишда, олинган идентификацион рақамни жўнатувчи почта хизматининг веб сайтыда кўрсатади ва у бўйича ўзининг почта жўнатмасининг ўтиш ҳолати ҳақида ахборот олади. Бугунги кунда 60 % мамлакатлар жўнатмани ўтишини кузатиш каби он-лайн почта хизматларини таклиф этмоқдалар.

Штрих кодни қўллашнинг яна бир афзал томони шундаки, ахборотни киритишда хатоларга йўл қўйилмаслигидир. Ана шу мақсадда “Россия почтаси” ФГУП касса комплекслари модернизация лойиҳаси дастурида тўлов талабномасини кодлаш учун икки ўлчамли штрих кодни қўллай бошлади ва почта алоқаси бўлимларида ўрнатилган касса терминалларини икки ўлчамли сканерлар билан жиҳозлади. Шунга кўра кассир томонидан тўлов талабномаси ахбороти компютерга киритиш клавиатура орқали эмас, балки тўлов хужжатига киритилган икки ўлчамли штрих кодни ўқиш йўли билан амага ошириладиган бўлди ва бу ерда ушбу тўлов талабномаси кодлаб қўйилган. натижада тўлов хужжатларини саралаш вақти қисқарди ва ахборотни тизимга киритишдаги ҳатоликларга барҳам берилади.

### **3.2 “Ўзбекистан почтаси” АЖ Ҳалқаро почта мт филиалида янги интерактив хизмат турларини жорий этиш**

Ахборотлаштириш асрида интерактив хизматлар жадал суръатлар билан ошиб бораётган бир даврда соҳада янги интерактив хизмат турларини жорий қилиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бу ўринда мамлакатимиз почта соҳасидаги мавжуд интерактив хизмат турларини хориж тажрибаси асосида кўриб чиқамиз ва янги хизматлар жорий этиш тўғрисида таклифлар киритамиз.

Почта соҳаси жамиятнинг ажралмас қисмига, телекоммуникация бозори сегментининг улкан иштирокчисига айланиб улгурган давлатлар тажрибасидан андоза олиш мақсадга мувофиқ бўлганлиги сабаб, АҚШ, Германия, Япония, Россия давлатларининг почта соҳасидаги фаолиятлари ўрганилиб қуйидаги жадвал ишлаб чиқилди. 1-жадвал таҳлилига кўра, Ўзбекистонда материал интерактив хизмат турларидан фақатгина «Қорбободан табрик ва совғалар етказиб бериш» хизмати мавжуд бўлиб, бу хизмат тури ҳам мавсумий хизмат турига киради. Шунингдек, ушбу хизмат туридан аҳоли кенг миқёсда фойдаланмайди. Россия, АҚШ, Германия, Япония ва Хитой давлатларида мавжуд интерактив хизмат турларининг барчасини учратишимиз мумкин, чунки бу давлатларда почта алоқаси соҳаси бозор сегментининг асосий ажралмас ва улкан қисмига айланган. Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд бўлмаган бир қатор интерактив хизматларга алоҳида изоҳ берамиз:

**Почта алоқаси соҳасида интерактив хизматлар тақдим этадиган  
давлатлар таҳлили**

Интерактив хизмат	Давлатлар Хизматлар	Россия	АҚШ	Германия	Япония	Хитой	Ўзбекистон
Материал интерактив хизматлар	Мультиконверт	+	+	+	+	+	-
	Медиа-почта	-	+	+	+	+	-
	Кутубхона (Library) почта	+	+	+	+	+	-
	Қорбободан табрик ва совғалар	+	+	+	+	+	+
	Муסיқали открыткалар	-	+	+	+	+	-
	SMS хабарномаси	+	+	+	+	+	-
	ОТМга ҳужжат тақдим этиш	+	+	+	+	+	-
«On-line shopping» тизими	Умумий товар ва хизматлар (general stores)	-	+	+	+	+	-
	CDs/DVDs/китоблар	+	+	+	+	+	-
	Маданиятга оид товарлар	-	+	+	+	+	-
	Совғалар/уй жиҳозлари	-	+	+	+	+	-
	Кийим-кечаклар	-	+	+	+	+	-
	Электроника товарлари	-	+	+	+	+	-
	Сайёҳлик путёвқалари	+	+	+	+	+	-
Шартномавий интерактив хизматлар	Фотостудия хизмати	+	-	-	+	+	-
	Авиа/темирйўл билетлари сотуви	+	-	-	+	-	-
	Суғурта полисларин етказиб бериш	+	+	+	+	+	+
	Халқаро пул жўнатмалари	+	+	+	+	+	-
	Ойлик йўл билетлари сотуви	+	-	-	+	-	-
	Тадбир/театр/концерт/цирк/мусобақаларга билетлар сотуви	+	+	+	+	+	-

	Лотереялар сотуви	+	+	+	+	+	+
Молиявий интерактив хизматлар	Почта жўнатмаларини суғурталаш	+	+	+	+	+	-
	Наложенный платеж	+	+	+	+	+	-
	Тунги навбатчилик почта бўлимлари	+	+	+	+	+	-
	Тўловларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари ёрдамида тўлаш	+	+	+	+	+	-
	Тез пул жўнатмаси	+	+	+	+	+	+
	Владк/депозитлар(очиш ва хизмат кўрсатиш)	+	+	+	+	+	-
	Коммунал тўловларини қабул қилиш	+	+	+	+	+	+
	Почта жўнатмалри кредитлари	+	+	+	+	+	-
	МикроЗаёмлар	+	+	+	+	+	-
	Инвестицион маҳсулотлар	+	+	+	+	+	-
	Погашение кредитов на почте	+	+	+	+	+	-
	Банк карталарига хизмат кўрсатиш	+	+	+	+	+	-
Алоқа хизматлари, интернет ва телевидение учун тўловларни қабул қилиш	+	+	+	+	+	-	
Аҳоли учун	«Севимли мижоз» программаси	+	+	+	+	+	-
	Махсус акциялар	+	+	+	+	+	-
	Газета ва журналларга обуна	+	+	+	+	+	+
	Почта жўнатмаларини суғурталаш	+	+	+	+	+	-

Кутубхона-почта (Library Mail) бу хизмат тури кенг тарқалган бўлиб асосан мижозларга уларнинг буюртмаларига бўйича китоблар етказиб берилади. Яъни почта объектларидаги ҳамда расмий веб сайт каталогидagi китоблар, шунингдек каталогга киритилмаган китобларга ҳам қўшимча тўлов амалга оширган ҳолда буюртма бериш мумкин.

Медиа-почта — турли кўринишдаги кўшимча овозли ва визуал маълумотлар-графиклар, анимацияларни ўзида акс эттирган жўнатмаларни юбориш хизмати.

Муסיқали открыткалар(тарификация жўнатманинг ўлчами ва жойига караб белгиланади) -асосан АКШда кўп учратамиз. Улар байрам кунлари, туғилган кунларда ўзаро муסיқали открыткалар юборадилар.

«SMS-хабарномаси»да рўйхатга олинган ички почта жўнатмаси, давлат ичидаги пул ўтказмаларининг келиб тушиши тўғрисида маълумотни жўнатувчи кўрсатган мобил рақамга SMS орқали хабар бериш хизмати кўшимча хизмат сифатида тақдим этилади. Унда:

- рўйхатга олинган ички почта жўнатмаси, ёки пул ўтказмаси номери;
- рўйхатга олинган ички почта жўнатмаси, ёки пул ўтказмаси қабул қилинганлиги;
- етиб келган сана ва жой номи (почта алоқаси объекти номланиши) тўғрисидаги маълумотлар бўлади.

Ушбу хизмат буюртмаси учун «SMS-хабарнома» бланкаси мобил рақам кўрсатилган ҳолда тўлдирилади ва кўшимча хизмат учун тўлов амалга оширилади. (Ушбу хизмат турини жорий этиш телекоммуникация бозорининг ҳар томонланма самарадорликка эриш истиқболларини белгилаб беради).

Олий таълим муассасаларига абитуриентларнинг ҳужжатларни жўнатиш хизмати. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир абитуриент чегараланган ОТМга ҳужжат топшириши мумкин. Ҳужжатлар тўпламини қиймати эълон қилинган буюртмали, далолатнома расмийлаштирилиб (опись), олинганлиги тўғрисидаги хабарномали жўнатиш лозим. Бунга қиймати эълон қилинган хат, қиймати эълон қилинган бандерол, қиймати эълон қилинган посилка, 1-класс қиймати эълон қилинган хат ва бандерол сифатида жўнатилади. Керакли ҳужжатлар рўйхати расмий сайтга жойлаштирилади. Агар ҳар йили Ўзбекистон бўйича тахмина 250-300 минг атрофида абитуриент ўқув юртига ҳужжат топширади, агар

абитуриентларни тахминан 10 % қиймати эълон қилинган бандирол орқали юборишни ташкил этадиган бўлса, ҳар мавсумда тахминан 70,0 млн сўм кўшимча даромад олиш имконияти вужудга келади.

Қорбободан табрик хатлари. «Қорбободан табрикнома»- олдиндан буюрммали жўнатма. Хизмат буюртмасини исталган АБда амалга ошириш мумкин. Шунингдек, совғаларни ҳам эгаларига етказиб бериш имконияти ҳам мавжуд.

«Мультиконверт»– бу товар жойлаштирилган оддий почта жўнатмаси. У ички почта алмашинувида қўлланилади ва фақатгина давлат ҳудуди ичида амалга оширилади. Бунда сувенир маҳсулотлар, товарларнинг реклама намуналари(атир, кремларининг пробниклари ва бошқалар), пластик картлар, CD/DVD дисклар каби кичик жўнатмалар почта орқали амалга оширилади.

Бугунги ахборот асрининг талаби бўлмиш интернет магазин, «On-line shopping» тизими жадал суръатлар билан илғорлаб кетмоқда. Жадвал маълумотларга асосланиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, почта алоқаси соҳаси ривожланган давлатларнинг энг асосий, катта ютуқлари шундан иборатки, ушбу давлатлар почта алоқасининг расмий веб сайтларида истеъмолчилар учун виртуал бозор шакллантирилган бўлиб, товар ва хизматларни тарификация бўйича етказиб бериш чуқур йўлга қўйилган. Бу хизматлар фақатгина шаҳар ичида эмас, балки давлатлараро амалга оширилиши почта соҳасининг даромадларини оширишда хизмат қилади.

Интернет тармоғи дунёнинг бутун қисмини қамраб олган. Унинг имкониятларини ўз вақтида англаган ҳолда ҳаракат қилиш давр талабидир. Чунки, кучли рақобат муҳотида корхоналар ўз нуфузини сақлаш учун инновацион ёндашув асосида, АКТни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга кенг жорий этган ҳолда ҳаракат этиши лозим. Товар ва хизматлар рекламаси, истеъмолчиларнинг таклиф ва мулоҳазаси, логистика, макетинг, туризм, банк, таълим, тиббиёт, умуман олганда ахборотлашган жамиятда аҳоли учун яратилган виртуал оламда интернетнинг имкониятлари жуда кенг.

2014 йил август ойдан “Ўзбекистон почтаси” АЖ ” Халқаро почтамти” филиалида Интернет орқали курьерлик хизматига буюртмаларни қабул қилиш хизмати фойдаланишга топширилган. Республикамизда интернет магазин, online shopping асосида фақат маркалари ва филателистик маҳсулотлар сотувини учратишимиз мумкин. Товарлар ассортиментини, диверсификацияси йўқлиги боис, интернет магазин фаолияти ўта суст даражада эканлигини кузатамиз. Мамлакатимиз почта алоқаси соҳасида расмий веб сайтнинг янги, мукамал шакллантирилган, асосан интернет магазин ва on line shopping тизимига кўпроқ эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу бўйича таклиф ва тавсияларни қуйида бериб ўтамиз.

Шартнома хизматлар сафига асосан етгита кўп учрайдиган интерактив хизмат турларини киритдик. «Ўзбекистон почтаси» АЖ Халқаро почта томонидан кўрсатилаётган кўшимча хизмат турларини кенгайтириш, мамлакатнинг чекка ҳудудларида жойлашган аҳолини кенг камровли суғурта хизматлари билан таъминлаш мақсадида 2012 йил 21 декабрда «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «ALSCOM» суғурта компанияси кўшма буйруғи асосида суғурта полисларини етказиб бериш инерактив хизматини кўрсатиш йўлга қўйилиб, бугунки кунга келиб, 120 минг дана «ALSCOM» СК нинг суғурта полислари «Ўзбекистон почтаси» АЖ томонидан сотилган. «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «ALSCOM» суғурта компанияси ҳамкорлигида бошланган ушбу йирик лойиха мамлакатимиз аҳолисини қулай тарзда суғурта хизматлари билан таъминлаш билан бир қаторда, почта тизимида кўшимча хизмат турларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида соф рақобат муҳити товар ва хизматлар сифатини оширишга ва нарх сиёсатиغا ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Аҳоли танлаш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли, турли хилдаги суғурталаш корхоналарининг товар ва хизматларини ассортимент сифатида аҳолига таклиф қилинса, корхоналар ўртасида соф рақобат муҳити юзага келади ва сифат ошади, нарх пасаяди. Масалан: Россия почта алоқаси бир қатор суғурта компанияларининг суғурта полисларини таклиф қилади:

- Транспорт воситаларининг эгаси масъулияти бўйича фуқаролик ихтиёрий суғурталаш;

- Фуқароларнинг иншоотлари, квартиралари, хўжалик мол-мулкларини суғурталаш;

- Хусусий яшаш жойларни суғурталаш;

- Фуқароларнинг бахтсиз воқеа ва касалликлардан индивидуал суғурталаш;

- Кредит эгаларини бахтсиз воқеалар ёки иш йўқотишдан суғурталаш;

Авиа ва темир йўл чипталарининг сотувида почта соҳасининг ҳам иштироки аҳолига бир қатор енгилликларни беради. Почта ўзининг аҳоли учун кенг масшабли авиа ва темир йўл чипталарини расмийлаштириш алоқа бўлимлари электрон тармоқлари орқали реализация қилиш хизматини жорий қилинади. Ушбу фаолиятда авиа ва темир йўл чипталари сотуви агентлиги асосий ҳамкордир, мижозларга юқори географик маршрутларда таклиф қилинади. Натижада- аҳолига максимал даражада қулайлик яратилади, шу жумладан, пичталар хариди учун узоқ масофалардан келувчи чекка районлардаги аҳолининг йўл харажатлари бартараф этилади.

Тўловларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш орқали терминалларда тўлаш хизмати орқали бугунги кунда почта алоқаси бўлимларида бутун жаҳон бўйича исталган мижоз мобил алоқа, интернет провайдер, тижорат телевидениялари, электрон пул тизими ва бошқа хизматлари учун тўловларни амалга ошира оладилар. Замон талабига кўра, хориж мамлакатлари ушбу тўловларни терминаллар орқали ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тарзида амалга оширишмоқда. Мисол тариқасида, Россия почта алоқаси бўлимларида ҳозирги кунда 2000 га яқин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари мавжуд.

Халқаро пул жўнатмалари Western Union тизими орқали амалга оширилиб, қисқа вақт ичида тўланади. Пул маблағларини жўнатиш учун жўнатувчи Western Union компаниясининг махсус бланкаларини тўлдиради (барча реквизитлар бўйича). Пул жўнатиш учун тўлов Western Union

компаниясининг тарифлари бўйича жўнатувчидан тўлов олинади, олган шахсдан тўлов олинмайди. Бу хизмат ўзаро шартнома асосида бўлиб икки тарафлар келишуви асосида ишлайди. Янги ахборот технологиялари билан юқори даражада таъминланганлик, тезкорлик, молиявий барқарорлик ва сифатли хизмат кўрсатиш асосий мақсадлардандир.

Мамлакатимиз миқёсида олиб қараладиган бўлса, 2014 йили Бутунжаҳон почта иттифокининг IFS молиявий тизимига республикамиз миллий почта оператори ҳам уланган ва унинг 14та филиалида электрон пул ўтказмалари тизими ишга туширилган. Бугунги кунда мазкур тизимга мамлакатимиздаги 940 дан зиёд почта алоқаси объектлари боғланган. 2008 йили мазкур тизим асосида Украина, Россия, Козоғистон, Беларус ва Молдова билан халқаро электрон пул ўтказмалари хизмати йўлга қўйилган. 2014 йили яна бир янги лойиха асосида - март ойидан бошлаб гибрид (аралаш) пул ўтказмалари тизими ишга туширилиб, июн ойидан еса тўлик электрон шаклда қабул қилиш йўлга қўйилган.

Солиқли тўлов хизматида (Услуга наложенный платеж) жўнатувчи почта жўнатмасини олувчи ҳисобидан юбориш имкониятига эга бўлади, яъни жўнатмани қабул қилган заҳотида хизмат учун тўлов амалга оширилади. Почта жўнатмаси суммасини ҚҚС асосида тўлов амалга оширилади


АҚШда почта хизматларини суғурталаш почта жўнатмаларининг турларига қараб алоҳида ҳисобда юритилади. Почта жўнатмалари қиймати 100АҚШ долларидан ошса ушбу почта жўнатмаси 100-5000 АҚШ долларигча миқдорида суғурталанади . Улар ўғирлашдан, бутунлай нобуд бўлиш ва қисман йўқотилишдан суғурта қилинади. Россияда почта жўнатмасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган ва қиймати эълон қилинган нархи 3000 Россия рублидан ошадиган бўлса, бу жўнатма ўз қийматининг ярмидан кам бўлмаган ва 3 млн Россия рублидан кўп бўлмаган қийматга суғурта қилинади. Максимал суғурта чегараси – 3 млн Россия рубли бўлиб, ҳар бир жўнатма учун алоҳида юритилади .Аҳоли учун бир қатор энгилликлар, мотивациялар яратилганлиги гувоҳи бўламиз. Хусусан,

Электрон тўловларни online тизимида қабул қилиш, яъни миждоз унга қулай бўлган жойда ва вақтда тўловларни он-лайн тизимида амалга ошириш имкониятига эга.

Коммунал тўловларини қабул қилиш асосан алоқа бўлимларида почта ходимлари томонидан ҳамда ўз-ўзига хизмат қилиш терминаллари ёрдамида миждознинг ўзи амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларнинг почта алоқаси соҳасини тадқиқ этиш жараёнида, интерактив хизматларин юқори даражада шакллантирилганлиги гувоҳи бўламиз. Асосан, почта хизмати расмий веб сайтларида «электрон коммерсия», «интернет магазин» ва интерактив хизматларга катта урғу берилган. Аҳоли почта хизматидан он-лайн тарзда ва исталган манзилда фойдалана олиш имконияти мавжуд. Қуйида интерактив хизматлар бўйича тадқиқ этилган давлатлари почта соҳасининг расмий веб-сайтлари тасвирларини келтириб ўтамиз.

Жаҳон бозорида салмоқли улушга эга бўлган Япония почта хизмати расмий сайтида асосий диққат «online shopping» тизимида қаратилган бўлиб, [www.post.japanpost.jp](http://www.post.japanpost.jp) сайти асосан «online shopping» тизимида фаолият кўрсатиб, 6 та категория (улар: умумий турдаги маҳсулотлар, CD/DVD/Китоблар, Япония маданиятига оид маҳсулотлар, товатлар/совғалар/уй жиҳозлари, кийим-кечаклар, электроника/ хоббилар) бўйича 100 дан зиёд йирик ва кичик корхоналар маҳсулот ва хизматларини интернет орқали исталган мамлакатга воситачи сифатида сотиш ва етказиб бериш хизматида асосий фаолиятини йўналтирган, яъни бу ўз-ўзидан ҳам давлатнинг иқтисодиётига, ҳам почта соҳасининг даромадлари ошишига улкан ҳисса қўшади. (1-расм)




## 1-расм. Япония давлати почта алоқаси хизмати расмий сайтининг кўриниши

Шунингдек, Россия Федерацияси ҳам почта хизматларини кўрсатишда пешқадам бўлган давлатлардан бири саналади. [www.russianpost.ru](http://www.russianpost.ru) расмий вебсайтдан Россия почтаси нафақат почта хизмати бўйича умумий маълумотлар, балки, аҳоли учун зарур бўлган инерактив хизмат турлари жой олган. Хусусан, РФ почта тизимида хизматлар тўрт йирик гуруҳларга ажратилган. Улар: почта хизматлари, молиявий хизматлар, аҳоли учун хизматлар ва юридик шахслар учун хизматлар бўлимлари (2-расм). Хусусан, РФда АКТ асосида самарадорлиги ошишига миждозларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари катта ҳисса қўшмоқда. Миждозларни АКТ бўйича саводхонлиги, иш вақтидаги ортиқча навбат кутиш ва оворагарчиликка барҳам беради. Аҳоли истаган операцияларни бевосита терминаллар ва банкаматлар ёрдамида амалга ошира олади.



Германияда почта алоқаси жуда ривожланган бўлиб, Бугунги кунда почта алоқаси соҳасида Европада жўнатмаларни етказиш соҳасида кескин рақобат кузатилмоқда. Чунки почта хизмати кўрсатувчи барча илғор компаниялар ўз тармоқларини бутун Европа бўйлаб ёйишга ҳаракат қилишяпти. Масалан, “Deutsche Post”га қаршли DHL компанияси Германиянинг ўзида ҳамда бошқа ён-атрофдаги давлатларда хусусий ва корпоратив мижозларга хизмат кўрсатувчи 15000та маскан очди. Немис алоқачилари 2008 йилниҳоясига қадар яна шунча почта шахобчаларини ишга туширишди. “Royal Mail” компанияси эса яқин беш йил ичида бутун Европа бўйлаб жўнатмаларни юбориш ва қабул қилишга ихтисослашган 50-60 мингта почта маскани яратишни мўлжаллаб турибди. Германиянинг “Hermes” компанияси аллақачон бундай шахобчалардан 10 мингтасини ишга туширди.

АҚШ почта алоқаси соҳаси ривожланган давлатлар сафида туради. Қуйидаги 4-расмда кўриб турганимиздек, давлат асосан, on line shopping тизими, бизнес қарорлари, суғурталаш хизмати, халқаро жўнатмалар, ни қатор интерактив хизмат турлари Медиа- почта(Media Mail), Кутубхона- почта (Library Mail), Parcel Post, Bulk mail, Extra services, Postal money orders, International services, Sorting and delivery process, catcher pouch, mail pouch, mail sack, mail satche, portmanteau, mochila хизматларини тақдим этиб келмоқда.



#### 4-расм. АҚШ почта алоқасининг расмий сайти кўриниши

Почта корхоналари даромадининг хизматлар бўйича почта алоқаси ривожланган АҚШ давлатларида даромаднинг асосий қисмини почта алоқасининг энг асосий хизмат тури бўлган хат етказиб бериш ташкил этади. Яна бир аҳамиятли томони шуки, АҚШ ва Германияда почта алоқаси корхоналари даромадида молиявий хизматларнинг улуши 0,0 га тенг. МДХ давлатларида эса даромаднинг катта қисми айнан молиявий хизматларга тўғри келади.

Юқорида санаб ўтилган давлатлар почта хизматлари сифатини Интернет ва ахборот коммуникация технологияларини қўллаш бўйича илғор тажрибаларни интенсив тадбиқ этиш ҳисобига яхшиладилар. Бунда ушбу стратегиялар ва дастурларнинг Германия, Япония, АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларда таҳлил қилиш ва баҳолаш шуни кўрсатадики, асосий мақсад иқтисодий ва ижтимоий тарақиётда илғор позицияларни эгаллашдан иборат.

Давлатимизнинг оқилона сиёати хизмат кўрсатиш соҳасига кенг йўл очиб бериб, замонавий ахборот технологиялари ва ташқи молиявий манбалардан фойдаланиш имкониятини кенгайтди.

Почта алоқаси соҳасида «Ўзбекистон Почтаси» АЖ Халқаро почта филиалида универсал почта хизматлари бозорида монополист ҳисоблансада, кўшимча хизмат турлари бўйича кўрадиган бўлсак, кучли рақобатга дуч келамиз, жумладан курьерлик хизматлари бўйича 21 дан ортиқ курьерлик ташкилотлари фаолият юритмоқда, пул жўнатмалари бўйича эса 20 дан ортиқ банклар, коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича электрон тўловлар хизматини кўрсатувчи ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Соҳанинг ривожланиши давлатимизнинг мустақиллик йилларида кенг йўл очиб берилиши ва замонавий ахборот воситаларининг кириб келиши билан баҳоланади. Бугунги кунда почта алоқасида 3та веб-сайт ([www.pochta.uz](http://www.pochta.uz), [www.fergana-pochta.uz](http://www.fergana-pochta.uz) ва [www.xorazmpochtasi.uz](http://www.xorazmpochtasi.uz)) фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда.(5- расм)



5-расм. «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг расмий сайти

Веб сайт орқали почта соҳасига тегишли маълумотлар ва янгиликлар билан танишиш ва почта алоқасида ишлатиб келинаётган 4та ахборот ресурсларидан интернет орқали фойдаланиш имконияти яратилган.

Жумладан:

- почта индекслари;
- почта хизмати тарифлари;
- рўйхатга олинувчи ҳалқаро қирувчи почта жўнатмалари ҳақида интернет орқали маълумот олиш;

рўйхатга олинувчи қирувчи вачиқувчи тезкор почта жўнатмалари ҳақида интернет орқали маълумот олиш.



**6-расм. «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг расмий веб сайти, Интернет магазин блогини умумий қурилиши**

Сайтнинг «Почта хизматидан фойдаланувчилар учун» деб номланувчи қисмида мижозлар учун керакли бўлган маълумотлар ва почта бланкаларни тўлдириш намуналари келтирилган.

Шунингдек, сайтда мижозлар учун «Интернет магазин» яратилган бўлиб, унда асосан 2010 йил 15 мартдан бошлаб интернет орқали аҳолига почта маркалари ва филателистик маҳсулотларни сотиш йўлга қўйилган. (6-расм). Ахборот асрида ҳар бир корхона ўз мақсадига эришиши учун унинг

маҳсулот ва хизматлари рекламаси ва харидорлар учун қулай бўлган бозор муҳим роль ўйнайди. Бу масалаларнинг энг оптимал ечими бу интернет магазиндир. Унинг жозибadorлигини, товарлар турлари ва сифатини, виртуал бозорни яратиш почта соҳасида давр талабидир.

Шу билан бирга почта алоқаси соҳасида асосий даромад айнан почта хизматларидан келиб тушади. Бу хизматлар: халқаро почта жўнатмалари, товар ва хизматларни етказиб бериш, хат-хабарларни юбориш, саралаш ва етказиб бериш, умулаштириб айтадиган бўлсак, асосан интерактив почта хизматларини кўрсатиш хизматлари деб белгилашимиз мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ўзбекистон почтаси” АЖ асосий диққатни интерактив хизмат турларини оширишга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга инновацияларин жалб этишга, маркетинг тадқиқотларини изчил олиб боришга, ходимларнинг АКТ бўйича саводхонлигини оширишга қаратиши мақсадга мувофиқ. Шу сабабдан, мазкур йўналишлар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилишини тавси этилади.

Филиалнинг расмий сайтини ишлаб чиқиб, виртуал магазин, on-line shopping тизимини яратиш. Бу ўз навбатида, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар тури кўпайишига, почта хизматларидан келиб тушадиган даромадлар улуши кескин ошишига туртки бўлади.

Ахборот коммуникация технологиялари асосида янги хизмат турларини кўрсатиш бўйича дунё тажрибаларини ўрганиб бориш.

Яъни почта алоқаси соҳасида асосий даромад айнан почта хизматларидан келиб тушади. Бу хизматлар: халқаро почта жўнатмалари, товар ва хизматларни етказиб бериш, хат-хабарларни юбориш, саралаш ва етказиб бериш, умулаштириб айтадиган бўлсак, асосан интерактив почта хизматларини кўрсатиш хизматлари деб белгилашимиз мумкин.

## **4.БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ**

### **4.1 .Ишлаб чиқариш муҳитида микроиқлимни инсон организмига таъсири.**

Ишлаб чиқариш хоналари (бинолари) микроиқлими—бу бинолар ички муҳитининг метео (иқлим) шароитларидир. Улар ҳаво ҳарорати, намлиги ва ҳаракат тезлиги билан бирикма ҳолда, шунингдек тўсувчи мосламалар, технологик ускуналар ва иссиқлик нурланиш юзалари ҳароратининг инсон организмига таъсири билан белгиланади. Ишлаб чиқариш микроиқлими нормалари меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси "Иш муҳити микроиқлими"га асосан белгиланган. Улар гигиеник ва техник иқтисодий негизларга асосланган.

Ҳавонинг кимёвий таркиби ва хоссалари - инсон ҳаётида ҳавонинг аҳамияти жуда катта эканлиги маълум. Унинг кимёвий таркиби, физик хусусиятлари ва таркибида ҳар хил моддаларнинг бўлиши, ҳаводан нафас олиб, меҳнат қилаётган кишилар учун жуда муҳим. Чунки, ҳавонинг тозаллиги инсон саломатлигини сақловчи муҳим омил ҳисобланади.

Саноат корхоналари хоналарининг характери, йил фасллари ва иш категориясига қараб, улардаги ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг иш жойлари учун рухсат этилган нормалари белгиланган. Микроиқлим ишчи ҳудудда ишчиларнинг доимий ва вақтинча турган жойидан 2 м баландликда баҳоланади.

Энг қулай шароитлар—терморегуляция механизмлари кучланишисиз организмнинг нормал иссиқлик аҳволини таъминловчи ҳамда узоқ ва мунтазам инсонга таъсир қилувчи микроиқлим ўлчамларининг йиғиндисидир. Улар меҳнатга қобилиятлилигининг юксак савияси учун шарт—шароит яратади ва иссиқ—қулай сезувчанликни таъминлайди.

Инсонга узоқ мунтазам таъсир этишда терморегуляция механизмлари-кучланиши билан давом этадиган организмнинг иссиқлик ҳолатида дарҳол нормаллашувчи ўзгаришлар чақирадиган микроиқлим ўлчамлари йиғиндиси йўл қўйиладиган иқлим шароитлари деб қаралади. Бундай ҳолда организмга

шикаст етмайди ёки саломатликнинг аҳволига зарар бўлмайди, бироқ дискомфорт иссиқликни сезиш, инсон ўзини ёмон ҳис қилиши ва меҳнатга лаёқати пасайиши (сустлашиши) мумкинлиги кузатилади.

Ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг тезлиги рисоладаги ва йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорлар кўринишида нормаланади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган микроиклим шароитлари-организмнинг фаолиятини ва иссиқлик ҳолатдаги ўзгаришларини, физиологик мосланиш имкониятларидан четга чиқмайдиган ташқи муҳитга мослашиш реакцияларининг кучайишини бартараф этадиган ва тез нормага соладиган микроиклим кўрсаткичларининг йиғиндисидир.

Ер атмосфераси қуруқ ҳаво билан маълум миқдорда сув буғларининг аралашмасидан ташкил топган. Қуруқ атмосфера ҳавосининг таркибида 78 фоиз азот, 20,9 фоиз кислород, 0,3 фоиз карбонат ангидриди ва унча кўп бўлмаган миқдорда гелий, неон, криптон ва бошқа газлар бор.

Маълумки, инсон учун энг мудҳиши ҳаво таркибида кислороднинг кам миқдорда бўлишидир. Ҳаво ҳолати унинг босими, зичлиги, ҳарорати, абсолют намлиги, намлик сиғими, нисбий намлиги, иссиқлик сиғими ва бошқалар билан белгиланади.

Иш жойидаги ҳаво муҳитини мўътадиллаштиришда шамоллатишнинг аҳамияти каттадир. Шу сабабдан куйида шамоллатишнинг усуллари келтирилган.

### **Умумий шамоллатиш**

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш биноларида ажралиб чиқаётган ҳар хил зарарли моддаларни шамол йўналиштириш воситаси билан биргаликда чиқариб юборишнинг имконияти бўлмаса, ёки ажралиб чиқаётган моддалар технологик жараённинг ҳамма участкаларидан ажралиб чиқаётган бўлса, унда якка тартибдаги шамоллатиш воситаларини қўллаш имконияти йўқолади. Ана шундай ҳолларда умумий шамоллатиш усулидан

фойдаланилади. Умумий шамоллатиш воситасини зарарли моддалар ёки иссиқлик энг кўп ажралиб чиқаётган зонага ўрнатиш керак.

Ишлаб чиқариш жойларида йиғилган ҳаводаги зарарли моддаларни ҳаво алмаштириш мақсадида ўрнатилган ҳаво қабул қилиш воситалари орқали чиқариб юбориш мумкин. Қандай йўл билан хонага соф ҳаво бериш ва зарарли моддалар йиғилган ҳавони чиқариб юбориш усуллари зарарли модданинг хона бўйлаб тарқалиш хусусиятига боғлиқ бўлади. Масалан, агар иш жойида кўплаб иссиқлик ажралиб чиқиши мумкин бўлган машина ва механизмлар ўрнатилган бўлса, уларни иш жойида жойлашиш ҳолатига қараб шамоллатиш усуллари қўлланилади.

Бундан ташқари ҳар хил зарарли омилларга эга бўлган жиҳозларни иш жойлари бўйлаб жойлаштиришнинг ҳам аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам корхона бинолар лойиҳаланаётган вақтда иқлим шароитини, қуёш нурларининг тушиш ҳолатлари ва иш жойидаги жиҳозларни тўғри жойлаштириш масалалари қониқарли ҳал қилинган бўлса, шамоллатиш воситаларини ўрнатиш ҳам шунчалик осонлашади.

### **Табий шамоллатиш**

Табий шамоллатиш ташқаридан бино ичига кирган совуқ ҳаво бино ичидаги иссиқлик ҳисобига иссиқлик қабул қилиб, исигандан кейин ҳажми кенгайганлиги сабабли енгиллашиб бинонинг юқори томонларига қараб ҳаракатланади ва агар биз бинонинг юқори қисмида ҳавонинг чиқиб кетиши учун труба ёки тирқишлар ҳосил қилсак унда биз ҳавони ташқарига чиқариб юбориш имкониятига эга бўламиз. Бу жараён ҳар қандай саноат корхонаси биносида, шунингдек ҳар қандай бинода, айниқса, совуқ фаслда узлуксиз давом этади ва бу ҳодисани аэрация деб юритилади. Ушбу усулдан фойдаланишда асосий эътиборни ҳавони кириш йўналишлари ва чиқиш жойларини таъминлашга қаратиш лозим. Маълумки, иссиқ ҳаво юқорига қараб кўтарилади, совуқ ҳаво эса пастга йўналади. Шунинг учун кўп

миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи иш жойларида совуқ ҳавони полдан 4 м баландликдан бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланилади. Совуқ ҳаво пастга қараб йўналиши борасида иссиқ ҳаво билан аралашади, исийди ва вужудга келган табиий оқимлар ҳаракатига қўшилиб узлуксиз ҳаракат ҳосил қилади. Бу узлуксиз ҳаракат давомида оқимларга янгидан янги миқдорлар қўйилиши натижасида юқори тўсиқлар томон йўналади ва бир қисми табиий шамоллатиш тирқишларидан ташқарига чиқиб кетади. Бир қисми эса совуқ яна пастга қараб йўналади ва бу билан ҳавонинг хона ичидаги айланма ҳаракатини кучайтиришга ўз хиссасини қўшади. Шундай қилиб биноларнинг ичида ҳаво ҳаракатининг туташ оқимлари вужудга келади.

#### Маҳаллий шамоллатиш системаси

Маҳаллий шамоллатиш системалари зарарли моддаларнинг ажралиш чиқаётган жойларнинг ўзида ишлаб чиқариш зонасидаги ҳавони аралашиб улгурмасдан ушлаб қолиш ва чиқариб юборишни таъминлаши зарур.

Гигиена нуқтаи назаридан маҳаллий шамоллатиш зарарли моддани ишчи нафас олиш органларига етиб бормаслигини ёки кам миқдорда етиб боришини таъминлайди. Бу шамоллатиш системасида атмосферага чиқариб юборилаётган Пҳаводаги зарарли моддалар оз Пҳавони чиқариш билан шамоллатишни енгиллаштиради. Киритилаётган Пҳавога ишлов бериш ва тозалаш керак бўлмайди.

#### **4.2 .Фавқулотта вазиятлар. Корхоналарни фавқулотта вазиятлардан химоялаш ва уларни бартараф этиш.**

Фавқулотда вазият — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш — фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш — фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган кутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги;

ошкоралик;

ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончли бўлиши;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан кўрилиши.

Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолининг тезкорлик билан ҳаракат қилиши, бундай вазиятлардан аҳолини огоҳлантириш ва унга тайёрлаш тизимининг ҳолатини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги "Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини

тасдиқлаш тўғрисида"ги 208-сонли қарори (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) қабул қилинди.

Қуйидаги устувор тадбирларни амалга ошириш Дастурнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

1. Аҳолининг барча қатламларини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолини ўқитиш билан камраб олишни кенгайтириш, масалан:

- вилоятлар Қорақалпоғистон Республикаси, ва Тошкент шаҳар маҳаллаларида "Зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) аҳолининг ўз вақтида ва мутаносиб ҳаракат қилиши" мавзусида кўргазмали машқ ва тактик-махсус машқларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг веб-сайтида "Фавқулодда вазият: унда қандай ҳаракат қилмоқ керак?" рукнини ташкил этиш ҳамда уни мунтазам равишда услубий материаллар билан тўлдириб бориш.

2. Кўнгилли қутқарув дружиналари тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш, масалан, таълим муассасаларида "Ёш қутқарувчи" кўнгиллиллар клубларини ташкил этиш.

3. Зилзила оқибатларининг сейсмик хавфи даражасини камайтириш, масалан:

- аҳоли орасида зилзилага чидамли якка тартибдаги уйлар қуриш қоидалари тўғрисида "Зилзилага чидамли уй қуриш" қўлланмасини (2.01.03-96 "Сейсмик туманларда қуриш" қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларини ҳисобга олган ҳолда) ишлаб чиқиш, нашр этиш ва тарқатиш;

- фойдаланилаётган объектларни такомиллаштириш ва янги замонавий объектлар, табiiй офат ва ҳалокатлар эҳтимолли хавфи тўғрисида аҳолини ўз вақтида ҳамда тўлиқ хабардор қилишнинг маҳаллий ва ҳудудий тизимларини қуриш;

4. Аҳолига юзага келаётган сейсмик вазиятни баҳолаш кўникмаларини сингдириш ва zilzila пайтида мутаносиб тарзда ҳаракат қилиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, масалан:

- Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти негизида таълим олувчиларда zilzilalar пайтида ўз вақтида ва мутаносиб ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида амалий машғулотлар ўтказиш учун тегишли ёлғондакам ҳолатлар тренажёрлари билан жиҳозланган махсус жой ташкил этиш масаласи бўйича техник-иқтисодий тақлифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

5. Таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2011 йил 23 июлдаги 200-сонли Буйруқ асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органларида "Аҳолини zilzilalar оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури"ни амалга ошириш бўйича Чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар режаси деб юритилади) тасдиқланди.

### 4.3. Экологик функциясини амалга ошириш шакллари

Бозор иқтисодиёти шароитида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни давлатнинг мустақил ва асосий функцияси сифатида тан олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, ижтимоий ҳаётнинг ушбу соҳаси ўз ташкилотлари ва институтларига ҳамда ўзига хос муносабатлар ва психологик жиҳатларга эга бўлганлиги боис, мазкур функция асосий ва мустақил функция сифатида ажралиб туради.

Давлат экологик функциясининг мустақил функция сифатида ажралиб туриши жамиятнинг табиатга муносабати ўзгарганлиги билан ҳам боғлиқдир. Шундай экан, экологик функцияни давлат фаолиятидаги жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган объектив-зарурий, мақсадга йўналтирилган, қонунда шарт қилиб қўйилган йўналишидир, дейишга етарли даражада асосларимиз бор.

Давлатнинг экологик функцияси бутун жамият манфаатларини акс эттириб, узоқ давом этадиган объектив воқелиқдир. Давлат ҳуқуқий механизмнинг барча бўғинлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги хилма-хил ва мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни амалга оширишга қаратилгандир.

Экология соҳасидаги хилма-хил ҳуқуқий муаммолар орасида бошқарув масалалари, махсус давлат органларининг ташкилотчилик фаолияти, шубҳасиз, марказий ўрин эгаллайди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши сабабли, табиатдан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги давлат бошқарувининг моҳияти анча ўзгарди. Бугунги кунда «бошқариш» деганда, бошқариладиган объектга нисбатан битта субъектнинг ҳукмрон таъсири тушунилмайдиган бўлди. «Бошқариш» деган тушунчанинг кенг тарқалган ва «мўътадил» («ўртамиёна») таърифи тан олинди. Эндиликда биз табиий ресурслардан (бойликлардан) фойдаланиш

хамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат функцияси давлат органларининг ташкилотчилик фаолиятидир, деб тушунамиз.

Ҳозирги кунда «бошқарув» деганда, маълум бир доирадаги давлат фаолияти кўзда тутилади. Аммо бу фаолият чекланган бўлиб, у субъектлар ўзларини қандай тутишлари лозимлигининг умумий қоидаларинигина белгилаб беради, аммо хўжалик юритувчи тизимни ташкил этиш масалалари билан шуғулланмайди. Ҳозирги кунда биз тараққиётнинг асосий йўналишлари, чегаралари ва доиралари асосан давлат томонидан белгиланаётганлигига, хўжалик юритиш ташаббуси нодавлат ташкилотларидан чиқаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бизнингча, «бошқарув» тушунчасининг бундай талқинини қабул қилиш ва амалиётда қўллаш мумкин. Лекин, шундай бўлса-да, давлатнинг маълум мақсадларини ҳамда функцияларини бажаришга йўналтирилган ташкилотчилик фаолиятини бошқарувнинг тўлиқ тавсифи деб белгилаш лозим. Бошқарув ўзаро жипс боғлиқликда бўлган элементлардан (унсурлардан) ташкил топган маълум бир жараёндир. Айтиш мумкинки, бу бошқарувнинг умумий, ташкилий-иқтисодий тавсифидир. Шу билан бирга, Б. В. Ерофеевнинг таъкидлашича, «иқтисодий ва экологик тизимларга нисбатан давлатнинг тартибга солиш фаолиятидаги ўзига хосликлар уларнинг табиатидаги муҳим фарқлардан келиб чиқади: иқтисодий тизимда кечадиган объектив жараёнларга чуқур аралашиб мумкин, аммо экологик тизимда амал қиладиган табиат қонунларига умуман аралашиб бўлмайди». Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, табиат шундай бир бошқарув объектидирки, унга нисбатан ўтказилган ҳар қандай нотўғри таъсир жиддий салбий экологик оқибатларга олиб келиши мумкин, шу боисдан у алоҳида ҳуқуқий тартибга солиниши лозим. Табиат моддий бойликларнинг манбаигина эмас, балки одамларнинг ўзи истиқомат қиладиган муҳитдир. Бу ўринда фақат экологик манфаатларни дастур қилиб олиш билан чекланиб бўлмайди, давлатнинг экологик сиёсати асосида «инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳолининг ҳаёти ва дам олиши учун қулай

бўлган атроф табиий муҳитни асраб қолиш ва қайта тиклашнинг устунлиги» принципи ётиши керак.

Юқорида айтилганларни таҳлил қила туриб, шуни таъкидлаш мумкинки, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида давлат функциясининг мазмуни жиддий ўзгаришларга учраган. Ҳаётимизнинг баъзи бир соҳаларида у ахлоқнинг умумий қоидаларини белгилайди, маълум бир чегараларни, давлат таъсири ўтказилмайдиган доираларни аниқлаб беради. Буларни энди давлат тавсиялари деб аташ мумкин. Иккинчи томондан, барча ижтимоий муносабатларга давлат таъсири ўтказиладиган соҳалар давлатнинг қўлида қолади. Бизнингча, ҳуқуқ-тартиботнинг маълум даражасини сақлаб қолиш ҳамда барча субъектларнинг манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш учун худди шундай бўлиши лозим. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳаси ижтимоий ҳаётнинг шундай соҳаси ҳисобланади.

Ушбу сўзларнинг исботи тариқасида амалдаги қонунчиликнинг кўйидаги хусусиятларини келтириш мумкин:

*биринчидан*, давлат барча табиий ресурсларнинг мулкдоридир, шу сабабли, ушбу ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ барча ижтимоий муносабатлар давлат томонидан белгилаб қўйилган;

*иккинчидан*, атроф табиий муҳитга зарар етказадиган барча фаолият турлари давлат томонидан тўхтатиб қўйилиши, тугатилиши ва ман этилиши мумкин.

Кўришиб турибдики, мазкур хусусиятлар давлатнинг экология соҳасидаги таъсири экологик тартибнинг маълум даражасини таъминлаш учун жуда чуқур амал қилишидан далолат беради.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, табиатдан фойдаланиш ва экология соҳасидаги функция махсус ваколатли давлат органларининг ташкилотчилик фаолияти бўлиб, улар экологик муносабатлар ҳукмрон таъсир элементларини сақлаб қолган ҳолда иқтисодий усулларни

кўллайдилар. Махсус ваколатга эга бўлган органларнинг ушбу фаолияти ўзаро боғлиқ жараёнлардир.

Давлат экологик функциясининг элементи сифатида атроф табиий муҳит мониторинги катта аҳамият касб этади. *Мониторинг* деганда, кенг маънода, бир объект устидан назорат олиб бориш ҳамда шу объект тўғрисида ахборот тўплаш тизими тушунилади.

Фикримизча, «мониторинг» сўзининг маъноси ва унинг атроф табиий муҳит билан боғлиқлиги Юридик энциклопедияда тўғри акс эттирилган: «Мониторинг (инглизча-monitoring) – 1) маълум жараённи доимий кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва истикболни белгилаш; 2) атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини ташкил этиш». Бизнингча, ушбу таъриф давлатнинг экологик функциясига бевосита дахлдордир.

Олимларимиз экологик муносабатлар соҳасидаги бошқарув функцияларининг ушбу тизимдан воз кечмаган. Ушбу ҳуқуқ ҳаракатни сув ҳуқуқига мувофиқ равишда кўриб чиқа туриб, таъкидлаш мумкинки, янги экологик шароитларга мувофиқ у сув ресурсларини бошқариш функциялари тизимига маълум тузатишлар киритади. Аммо мониторингни мустақил ҳаракат сифатида ажратиб кўрсатмайди.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, юқорида санаб ўтилган ва мамлакатимизда мавжуд бўлмаган бир қатор йўналишлардаги интерактив хизматларни жорий қилишда почта алоқаси соҳаси қониқарли шароитда, мавжуд техникадан фойдаланиб янги интерактив хизматларни жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ушбу битирув малакавий ишида «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва унинг Халқаро почтаamt филиалида почта алоқаси хизматларида АКТдан самарали фойдаланиш, ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда почта алоқаси объектларини маркетинг ва инновацион фаолиятини, соҳага янги ахборот технологияларни жалб этиш орқали янги хизматлари жорий этилишини, ходимларни малакавий савиясини ўрганиш, соҳа инновацион фаолиятнинг такомиллаштириш таҳлили амалга оширилди.

Асосий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси объектларида маркетинг ва инновацион фаолиятини ривожлантириш, соҳага янги ахборот технологияларни жалб этиш орқали янги хизматлари жорий этиш, мавжуд хизмат турларини интерактив тарзда кўрсатилишини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Юқоридаги таҳлил жараёни хулосаларидан келиб чиққан ҳолда кўйидагилар таклиф этилади.

Дастлаб, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда хизматларни интерактив тарзда кўрсатиш бўйича инновацион лойиҳаларни фаолроқ қўллаб-қувватлаш ва уларни доимий амалга ошириб бориш лозим.

АКТнинг йил сайин тобора ривожланиб бораётгани ҳамда уларнинг маънавий эскириши юқори эканлигини инобатга олиб, тўловлар қабул қилиш тизимининг дастурини яхшилаш, жумладан мижозларга коммунал ва бошқа тўловлар бўйича маълумотни интерактив тарзда бериш имкониятини яратиш талаб этилади.

Хизматларни “бир ойна” тамойили асосида кўрсатилишини таъминлаш мақсадида, барча почта алоқаси бўлимларини банк пластик карта тўловларини қабул қилиш учун мўлжалланган стационар терминаллар ва почтальонларни мобил терминаллар билан таъминлаш лозим.

Бугунги кунда, хизматларни интерактив тарзда кўрсатилишида асосий восита сифатида интернет тармоғи ҳисобланишини инобатга олиб, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Халқаро почтаamt филиалининг веб-сайтни яратиш

ҳамда мавжуд хизматларни мазкур веб-сайт орқали кўрсатилишини йўлга қўйиш керак бўлади.

Нафақаларнинг ўғирланишини олдини олиш мақсадида, нафақа тарқатиш жараёнини автоматлаштириш лозим бўлади. Бунда нафақани олганлик тўғрисидаги тасдиқловчи имзолар ўрнига, АКТни жойрий этган ҳолда бармоқ излари орқали тасдиқлаш ҳамда мазкур тасдиқ автоматик тарзда тегиши идораларга бориш имконияти яратилади.

Пул ўтказмаларини кўрсатилган манзилга ишончли етиб борганлиги тўғрисидаги маълумот фойдаланувчилар томонидан доимий талабга эга. Шуларни инобатга олиб, “СМС тасдиқлаш” хизматини жорий этиш лозим.

-интерактив хизматлар – сўзлашув пунктларида компьютер технологияларига асосланган телефония, факсимиль алоқа хизматлари, электрон маълумот тизими, интернетдан фойдаланиш;

- молиявий хизматлар – пластик карточкалардан фойдаланиб молиявий тўловлар бўйича операциялар, электрон пул ўтказмалари, ҳисоб-китоб-касса операциялари бўйича хизматлар;

- почта жўнатмаларига ишлов бериш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларида янги АКТдан фойдаланиш. Янги хизматлар жорий этилиши самарадорлигини ҳисоблаш учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва бу хизматлар жорий этилганидан кейин «Ўзбекистон почтаси» АЖ қўлга киритадиган даромадлар прогнозини тузиш керак.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини "Почта алоқаси тўғрисидаги" Қонуни. 2009 йил.
2. “Почта алоқа корхоналарини ташкил этиш ва режалаштириш” дан маъруза матни 2009 й. Тошкент
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сонли «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги 339-сонли “Почта алоқаси соҳаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” қарори
6. “Ўзбекистон почтаси ” АЖнинг 2009-2010 йиллари учун ҳисоботлари
7. [www.aci.uz](http://www.aci.uz) - Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги веб-саҳифаси.
8. [www.pochta.uz](http://www.pochta.uz) –Ўзбекистон почтаси АЖ веб – саҳифаси.
9. <http://www.gov.uz> –Ўзбекистон Республикаси портали.
10. <http://www.infocom.uz> – УзАСИ ойлик ахборотлашган-аналитик журнали.